

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

Парламент хабарлари

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА



Ўзбекистон Республикаси Президенти Исом Каримовнинг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунларига бағишлаб Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган мажлисдаги маърузасида таъкидланганидек, «бозор ислохотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишни мустаҳкамлашга қаратилган чораларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилаш ҳамда ҳажми тобора ортиб бораётган хорижий сармояларни жалб қилишга ижобий таъсир кўрсатди».

Инвестицияларнинг хориждан келиши оқимини рағбатлантириш соҳасидаги миллий қонун ҳужжатлари ҳамда норматив-ҳуқуқий базани янада ривожлантириш масалаларига бағишлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида 2007 йил 30 май куни «Инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ташқи иқтисодий алоқаларни такомиллаштириш масалалари» мавзусида конференция бўлиб ўтди. Тадбир Сенатнинг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси томонидан Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан биргаликда ташкил этилди.

Ўзаро фикр алмашув ва муҳокама асосида шу нарса таъкидландики, иқтисодий ислохотлар изчиллик билан ўтказиб келинаётганлиги, яратилган қулай имтиёз ва преференциялар тизими тўғрисида мамлакатимизда 2006 йил ҳолатига кўра 20 миллиард АҚШ долларидан зиёд миқдорда хорижий инвестиция жалб этилган, тўғридан-тўғри жалб қилинган хорижий инвестициялар эса 2000–2006 йиллар мобайнидагина 9,3 баравар кўпайган ва эндиликда 2,5 миллиард долларни ташкил этмоқда. Хорижий инвестициялар Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида таркибий ўзгаришлар ўтказиш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш қўламини кенгайтириш, экспорт ҳажмини оширишга имкон яратётганлиги ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Муҳокама яқунлари асосида чет эл инвестицияларини жалб этиш соҳасидаги миллий қонун ҳужжатларини янада ривожлантиришга қаратилган тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати материали асосида тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2007 йил 18 майдаги 861-аф-сонли буйруғига асосан МЧЖ "Accounter and audit LTD" аудиторлик ташкилотига 2001 йил 11 майда берилган 00046-сонли лицензиянинг амал қилиши 2007 йилнинг 18 майдан тугатилди.
С. БЕКЕНОВ,
Молия вазири ўринбосари.

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

ЛИЦЕНЗИЯЛАНУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА

Вазирлар Маҳкамаси 2007 йил 18 майдаги 104-сон қарор билан Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритди («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади).

Чунинчи, Тиббий фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомда (Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 октябрдаги 477-сон қарори билан тасдиқланган) лицензия олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар рўйхати аниқлаштирилди, Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиби тўғрисида низомда (Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги 318-сон қарори билан тасдиқланган) мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш ва бериш тартиби ҳамда мажбурий тартибда сертификатланадиган маҳсулотлар рўйхати ўзгартирилиб, тўлдирилди.

СУГУРТА БОЗОРИДА ЎЗГАРИШЛАР

Вазирлар Маҳкамаси 2007 йил 21 майда 105-сон билан «Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» қарор қабул қилди («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади).

Биринчидан, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги «Сугурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 413-сон қарорининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатувчи сугурталовчилар учун устав фондининг энг кам миқдорини ва уни белгиланган миқдорларга етказишлари керак бўлган муддатни белгиловчи 1 ва 2-бандлари ўз кучини йўқотди.

Президентнинг 2007 йил 10 апрелдаги «Сугурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-618-сон қарорига мувофиқ бошқа ўзгартиришлар ҳам киритилди. Уларга кўра мол-мулкни сугурта қилиш ва ҳаётни узоқ муддатли сугурта қилиш бўйича сугурта муқофотлари энди солиққа тортилмайдди. Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳақидаги низом маляка имтиҳони олиш ва актуарийларга тегишли сертификат бериш қисмида Сугурта бозорининг профессионал қатнашчилари тўғрисида низомга мувофиқлаштирилмоқда.

ҲИСОБОТ ШАКЛЛАРИ ЯНГИЛАНДИ

Молия вазирининг «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди (молия вазирининг буйруғи Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 19 майда 1209-4-сон билан рўйхатдан ўтказилган) («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади).

1-илова – «Бухгалтерия баланси – 1-сон шакл»даги актив ва пассив моддаларида ало-

ҳида бўлинмаларнинг қарзи чиқариб ташланади. 2-илова – «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот – 2-сон шакл»да бюджетга тўловлар бўйича маълумотнома тегишинча ўзгартирилган таҳрирда баён этилмоқда. 4-илова – «Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот – 4-сон шакл»нинг 140-сатрида энди ўз ақцияларини сотиб олиш чоғида пул тўловлари билан бирга уларни сотиш чоғидаги тушумлар ҳам ҳисобга олинади. Молиявий ҳисобот шакллари тўлдириш бўйича қоидаларга ҳам (7-илова) тегишли ўзгартиришлар киритилган.

Қоидалар 187-банди учинчи хатбошисининг янги таҳрири ҳам алоҳида эътиборга молик. У билан Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги «Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида» 57-сон қарорига 5-иловага киритилган айрим қорхоналар етказиб берилган газ учун якуний ҳисоб-китобларни ҳисоб-китоб ойна тугаганидан кейин 30 кун ичида амалга оширишлари белгиланган. Улар томонидан ўтказиб юборилган дебиторлик қарзининг муддати ҳисоб-китоб ойна тугаганидан кейин 30 кун ўтгач белгиланади. Бундан олдин у 120 кун ўтгач белгиланар эди.

ОЛИБ ЧИҚИЛМАЙДИГАН ПАХТА МОМИГИ

Ўзбекистон Республикаси Мол-хом ашё биржасида ўтказиладиган биржа савдоларида пахта момигини сотиш тартиби тўғрисидаги низом Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг қўшма қарори билан қабул қилинди. Ҳужжат Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 19 майда 1681-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

Низомнинг амал қилиши пахта момигини етказиб берувчи ва ундан фойдаланувчи маҳаллий қорхона ва ташкилотларга татбиқ этилади. Бунда биржа савдоларида сотиб олинган пахта момиги фақат республика ичида қайта ишлаш учун ишлатилиши мумкин. Низом билан пахта момиги ҳажмларини шакллантириш тартиби, биржа савдолари таомиллари, улар иштирокчилари ўртасида ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш, битимлар бажарилиши кафолатини таъминлаш механизмлари, шунингдек пахта момигини ишлаб чиқариш ва ўзР ТХБ орқали етказиб беришнинг бошқа масалалари тартибга солинади.

Қарор 2007 йил 29 майдан кучга кирди.

МОНОПОЛИСТЛАРГА ТАЛАБЛАР ОШИРИЛДИ

Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг қарори билан Моно-

Меърий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 2007 йил 19 майдан 25 майгача бўлган давр учун 21-сон асосида тайёрланди.

пол маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг биржа ва кимовиди савдоларига қўйилишини назорат ва мониторинг қилиш тўғрисида низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 19 майда 1369-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади).

Улар билан, хусусан, монополист қорхоналар томонидан монопол маҳсулотларни биржа ва кимовиди савдоларига тенг маромда, тегишли моддий баланслар ва жадвалларда (куйидаги муддатларга бўлинган: ойналар бўйича (минерал ўғитлар, қора металллар, кўмир, нефть маҳсулотлари, пахта момиги, рангли металл прокати учун); ўн кунлик бўйича (цемент учун); биржа савдолари кунлари бўйича (ун, шаккар, пахта ёғи, суултирилган газ, шифер, полиэтилен учун) назарда тутилган муддат ва ҳажмларда мажбурий қўйишнинг даврийлиги белгиланади. Келгуси ой учун жадваллар олдинги ойнанинг 25-кундан кечиктирмасдан тасдиқланиши лозим.

Бундан ташқари, энди монополист қорхоналар (кичик бизнес субъектларидан ташқари) Монополиядан чиқариш давлат қўмитаси, унинг ҳудудий органларига биржа савдолари ва аукционларга маҳсулотларни қўйишнинг ҳақиқатда бажарилиши бўйича маълумотларни ҳар ойнанинг якунида (олдин – ҳар чоракда) тақдим этадилар.

Агар бундан олдин биржа савдолари ва аукционларни ташкил қилувчилар монополияга қарши органга тегишли номенклатура бўйича биржа савдоларига ва аукционларга қўйилган маҳсулотларнинг ҳақиқий ҳажмлари, шунингдек биржа савдоларида юзага келган нархлар ва реализация қилинган маҳсулотларнинг ўртача биржа нархи котировкалари тўғрисидаги ахборотларни зарурат юзасида тақдим этиб келган бўлсалар, энди бунини ҳар кун амалга оширишлари керак бўлади.

Қарор 2007 йил 29 майдан кучга кирди.

ЎЗ КУЧНИ ИҲҚОТДИ

Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилганлиги ҳамда уларнинг молиявий жавобгарлиги эркинлаштирилганлиги муносабати билан Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банк бошқарувининг қарорига биноан Нақд пул тушумини яширишга йўл қўйган қорхоналар ва ташкилотларга нисбатан жазо жарималарини қўллаш тартиби тўғрисидаги низом ўз кучини йўқотди (Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 19 майда 1070-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади).

Ҳужжат 2007 йил 29 майдан кучга кирди.

МДҲ ВА БОЛТИҚБҮЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	4.06.2007	1	0,8575	1	1,1534	1	0,0331
Арманистон	1.06.2007	1	347,57	1	467,59	1	13,42
Беларусь	2.06.2007	1	2145,00	1	2883,31	1	82,82
Грузия	2.06.2007	1	1,678	1	2,2556	1	0,0648
Қозғоғистон	2.06.2007	1	122,24	1	164,23	1	4,72
Қирғизистон	2.06.2007	1	37,9662	1	51,0285	1	1,466
Латвия	4.06.2007	1	0,523	1	0,702804	1	0,0202
Литва	4.06.2007	1	2,5691	1	3,4528	10	9,9194
Молдова	4.06.2007	1	12,3602	1	16,606	1	0,4771
Тожикистон	2.06.2007	1	3,4393	1	4,6269	10	1,328
Ўзбекистон	5.06.2007	1	1260,91	1	1695,55	1	48,69
Украина	4.06.2007	100	505,00	100	678,518	10	1,9499
Эстония	1.06.2007	1	11,6431	1	15,6466	1	0,449519

Манба: www.prime-tass.ru

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 5 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек боғжона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан куйидаги қийматини белгиледи:*)

1 Австралия доллари	1049,20	1 Малайзия ринггити	371,51
1 Англия фунт стерлинги	2500,76	1 Польша злотийси	446,88
1 Дания кронаси	227,74	1 СДР	1906,91
1 БАА дирхами	343,38	1 Туркия лираси	963,41
1 АҚШ доллари	1260,91	1 Швейцария франки	1025,80
1 Миср фунти	221,80	1 евро	1695,55
1 Исландия кронаси	20,54	10 Жанубий Корея вони	13,58
1 Канада доллари	1188,19	10 Япония иенаси	103,37
1 Хитой юани	164,86	1 Россия рубли	48,69
		1 Украина гривнаси	249,69

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ҲАФТАНИНГ САЛМОҚЛИ САВОЛИ.

ЎЗ ИШИНИ ПУХТА БИЛАДИГАН, ЧЎРТКЕСАР БУХГАЛТЕР БИЛАН ИШЛАШ ОСОНМИ, ЁКИ ТАНГ КЕЗЛАРИ ҚИЙИНЧИЛИКНИ ТУШУНИБ, РАҲБАР АЙТГАН ГАЛГА, МАСАЛАН, ХАРАЖАТЛАРНИ КАМАЙТИРИБ КЎРСАТИШ ВАРИАНТИГА СЎЗСИЗ КЎНИБ ҚЎЯ ҚОЛАДИГАН БУХГАЛТЕР БИЛАН ИШЛАШ ОСОНРОҚМИ?



● Роҳила Нурмухамедова:

– Менимча, ўз ишини пухта биладиган, чўрткесар бухгалтер билан ишлаш осонроқ. Лекин баъзилар бошқача ўйлашади. Кўпинча раҳбарлар шундай вазият келтириб чиқаришадики, бундай вазиятнинг оқибати фирма ишларига салбий таъсир этиши мумкин. Бироқ ўшандай кезларда ҳеч бунга ўйлаб ўтирмайди ҳам.

Бош бухгалтер раҳбар истаганидек эмас, балки қонун ҳужжатларида белгиланганидек ишлаши керак. Акс ҳолда кимдир таралла бедод қилиб юриди, унинг жатига бошқаси жабр кўради.

Лекин баъзан шундай бўладики, ходим ўз иш жойини йўқотишдан қўриқиб, директор нима деса қулоқ қоқмай адо этаверади. Унда шунча маош тўлайдиган иш топиш қийин деган ҳадик бор...

● Бухгалтерия хизмати кўрсатувчи корхона раҳбари Абдугани:

– Раҳбар деган ўз қоронасида чинакам етакчи, ишнинг кўзини биладиган бўлиши, асосий йўлни белгилаб олиш имконини берадиган даражада маъқули юқори тутиши лозим. Зотан у чиқарган қарор муҳокама қилинмасданоқ айнан бажарилади. Қўл остидаги корхона тақдирини учун фақат унинг ўзи жавобгардир.

Омилкор, билимдон, қатъиятли мутахассислар бўлиши раҳбарни мутасил шай туриш, бизнес соҳаси ва қонунчиликдаги жамики ўзгариш ва янгиланган боҳабар бўлишга ундайди. Йўқса ҳар бирининг ўзига яраша феъл-атвори бўлган мутахассислардан иборат командани ишонтира билиш қийин. Оқибатда раҳбар зўр гоёларини ҳам ҳаётга татбиқ эта олмайди. Шу маънода ишнинг пухта биладиган, чўрткесар бухгалтернинг бўлиши раҳбарнинг зафарли одимлари кафилидир. Адолат юзасидан шунга айтиш кераки, чўрткесар тушунчаси билан ўжар тушунчаси ўртасида фарқ бор.

● Технологик жараёнларни автоматлаштириш соҳасидаги корхона директори Владимир Евгеньевич:

– Бухгалтер у ёки бу масалада ҳақ эканлигини директорга исботлай олиши лозим деб ҳисоблайман. Бундай кезларда сизларнинг «Norma» нгиз ёрдам бериши мумкин. Шахсан менга, масалан, мурасасиз бухгалтер сира ёқмайди, унга ишончли одам деб қарамайман. Шу сабабли бухгалтерия учун энг аввало директор, ундан кейин эса бош ёки оддий бухгалтер жавоб беради.

Раҳбар, айтилик, меҳнат ҳақи харажатларини камайтириш, штатни қисқартириш ёки айрим ходимларнинг мансаб маошларини камайтириш керак деб айтса, бухгалтер сўзсиз унинг гапига кўниши керак. Бинобарин, шундай қарорлар чиқариши учун ҳам уни бу ерга бошлиқ қилиб қўйишган. Бухгалтер эса ўз вазифаларини тўғри ва малакали адо этиши керак. Ташкилий йўналишдаги қарорларни қабул қилиш тамомила директорнинг, бош муҳандиснинг, умуман олганда маъмуриятнинг измида бўлмоғи лозим.

● Қувур ишлаб чиқариш корхонаси директори Севара Келиевна:

– Саводхон, ўз ишига пухта бухгалтер билан ишлаш раҳбариятга ҳам маъқул иш. У ёки бу чигал ҳолатларда бундай бухгалтер вазиятни яхши тушунади. Мен ўзим бир пайтлар бош бухгалтер бўлиб ишлаганман, бу касбнинг ўзига хос жиҳатларини яхши биламан. Раҳбар қонунга асосланган ечим топиб, қарор чиқарса бас. Бир сафар молиявий йўналишда бухгалтерга буйруқ бериб ўз хоҳиш-истагим йўлига солдим, қонунга зид бўлмаганлиги боис у ҳам кўна қолди.

Харажатларни камайтириш масаласига келганда, директор шу тахлит қарорлар қабул қилишга ҳақлидир. У ходимлар сонини қисқартириши мумкин. Лекин бу нозик масала бўлгани учун обдан ўйлаб иш тутуши, одамларга ҳам, корхонага ҳам зарар етмайдиган тарафини топиши керак. Раҳбар харажатларни, хусусан муайян даврдаги харажатларни, идора ашёлари, уяли алоқа ва

шу сингариларга мўлжалланган харажатларни қисқартиришни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Бухгалтер эса, такрор бўлса ҳам айтаман, муаммони қонуний асосларда ҳал эта билиши ёки бошлиқни бундай қарордан воз кечишга кўндиролмайди олиши лозим.

Бухгалтернинг билими пухта бўлмаса ёки ўз жойидан чўчиса, молиявий тусдаги ва бошқа хил қоидабузарликларга ҳам йўл қўйиб беради. Пировардида эса бу иш учун директорнинг пўстагини қоқадилар.

● Адвокатлик бюроси директори Илхом Исмолович:

– Бу масалада сиз ҳам, кабоб ҳам куймасин қабилида иш тутган маъқул. Ҳаддан ташқари чўрткесар бухгалтернинг нима кераги бор? Бухгалтер муайян ташкилот, муайян одамлар манфаати йўлида ишлайди, шундай экан баъзи ҳолларда юзага келган вазиятга мослаша билиши ҳам лозим. Пулини ҳалол қилиб олиш керак. Ахир аравасига тушган ашуласини ҳам айтади дейдиларку!

Бошқа тарафдан қараганда, ўша бухгалтер «хўжайин»нинг ҳамма кўрсатмаларига ломим демай кўнавермаслиги керак. Агар у раҳбарият ундаётган ҳаракат молиявий ва бошқа жиҳатдан номатлуб, салбий оқибатларга олиб келади деб ҳисобласа, биринчи марта раъйи қайтган бўлса ҳам, иккинчи, ҳатто учинчи марта бўлсин, бу муаммони бошлиқнинг онги ва шуурига етказиши шарт. Гапим ҳақ деб туриб олмасдан раҳбарга ҳаммасини йўриги билан тушунтироғи керак. Агар у ўжарлик йўлига ўтиб олса, бундай бухгалтернинг бахридан ўтиб қўя қолишади.

Тажибада баъзан бирон-бир тўловларни кечиктиришга тўғри келадиган пайтлар ҳам бўлади. Корхонада ишлаб чи-

қариш билан боғлиқ жиддий камчиликлар юзага келган, айтилик шошилгинч равишда хом ашё сотиб олиш керак бўлиб қолган паллада, гарчи солиқлар билан боғлиқ бўлса ҳам, бошқа тўловларни кечиктириб туришга тўғри келади. Шу боис директор бюджетга тўловларни пеняси билан бўлса ҳам тўлаймиз, аммо ҳозир эмас, кейинроқ тўлаймиз дейиши мумкин. Бундай вазиятда бош бухгалтер оёқ тираб туриб олмаслиги, жорий ҳужжатлар, йўл-йўриқларни ўжарлик билан рўқач қилмаслиги, балки раҳбар сингари масалага кенгроқ доирада қараш керак.

● Бош бухгалтер Шаҳноза Шарофова:

– Бизнинг директоримиз ҳамма нарсани сўзсиз бажаравермай, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қила биладиган киши билан ишлашни афзал кўради. Ҳамонки, бирга ишлаётган эканмиз, йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар учун бирга жавоб берамиз. Аммо раҳбарларнинг аксарияти, менинг ўйлашимча, қўл остидаги кишилар сўзсиз бўйсунушларини ёқтиришади.

Харажатларни имкон қадар камайтириш хусусида келганда жуда зарур нарсаларни, масалан қоғоз, принтер учун керакли ашёларни олиш сингари харажатларни зарур харажатлар деб ҳисоблаймиз ва бундай ишларда зикрналик қилмаймиз. Раҳбаримиз шу маънода жуда одиллик билан иш кўради, арзимаган тежамкорлик оқибатда баъзан катта чиқимга олиб келишини билади...

Моддий ёрдам, муқофот ва шу сингари қўшимча тўловлар борасида эса, аксинча, қисқартиришдан қочамиз, ишда янада яхшироқ ишлашлари, шунинг натижасида компания даромади янада каттароқ бўлиши учун ходимларга кўпроқ тўлашга ҳаракат қила-

миз. Шунинг самараси бўлса керак, улар бизда имкон қадар кўпроқ муддат ишлаб қолишга ҳаракат қиладилар. Жамоавий шартномада ходимни ишга қабул қилаётганда компанияда ишлаш даврида молиявий рағбатлантиришнинг қўшимча қанақа имконият ва усулларидан фойдаланиши мумкинлиги албатта назарда тутилади.

● Бош бухгалтер Халима Юнусовна:

– Назаримда, директоримизга чўрткесар киши билан ишлаш осонроқ кўринади. Бухгалтер ўз фикрига эга бўлиши, ўз фикрини исботлай билиши ва ҳимоя эта олиши керак деб ҳисоблайман.

● Ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти бош бухгалтери Лобар Тоҳировна:

– Бу масалада биздаги бошлиқлар чўрткесар ва қатъиятли ходимларни танлайдилар деб ўйлайман. Чунки бухгалтер моддий жавобгар шахс. Ҳамонки, молиявий ҳужжатларга у имзо қўяр экан, бу билан зиммасига катта масъулият олган бўлади. Қонунга хилоф бирон масалада ён бериши эса мутлақо нотўғридир.

Корхона доирасида харажатларни камайтириш, қисқартириш деган масала, гапнинг рости, бизда келиб чиқмаган. Зотан ходимларнинг ўзи ташкилот учун ортиқча харажатлар бўлишидан ўзларини тиядилар. Фирмада режалаштирилмаган харажатлар чиқиб қолгудек бўлса, биз бундай харажатларни ташкилотимиздаги ишларнинг молиявий аҳволига қаттиқ таъсир этмайдиган фурсатларда қилишга ҳаракат қиламиз. Бизда шундай ҳоллар учун дарэҳтиёт тарзида захира жамғармаси бор.

Тўғри, баъзан раҳбар телефондаги сўзлашув харажатлари, шаҳарлараро телефон сўзлашувлари, уяли алоқа, интернет сингарилар учун харажатларни биров қисқартиришни сўрайди. Кейин ҳаммаси ўз ўрнига тушиб кетади, бошқача қилиб айтганда ҳис-саси бошқадан чиқади.

● Босмаҳона хизматлари кўрсатувчи корхона бош бухгалтери Дилбар Дамировна:

– Директоримиз чўрткесар бухгалтер билан ишлашни афзал билади. Бунга шахсий тажрибамда тўла ишонч ҳосил қилганман. Қонун ҳужжатларини бузмаслик учун, шунингдек ахлоқ-одоб қоидалари нуқтаи назаридан молиявий масалаларда бирон қарор чиқаришдан аввал у мени ҳузурига чорлаб албатта маслаҳатлашади. Кўп ҳолларда фикримни инобатга олади ҳам.

● Эксперт Ғайрат:

– Директоримиз чўрткесар ходим билан ишлашга мойилроқ. Баъзан муайян ҳужжатни тайёрлаш шарт эмас, дейди у. Лекин мен кўнгили тўқ бўлиши учун бу ҳужжатни ҳам тайёрлаб қўяман. Умуман олганда раҳбарим менинг фикримга тўла ишонади.

Молиявий ишлар билан кўпроқ раҳбариятнинг ўзи шуғулланади, мен бўлсам таҳлил қилиш, мониторинг ўтказиш, истиқболни белгилашга доир ишлар билан машғулман. У ёки бу ишда директорга маслаҳат бериб, юзага келган муаммони ҳал этиш йўлларини кўрсатишга, муайян йўналишларни тавсия этишга ҳаракат қиламан. Охириги сўз эса унинг ўзида қолган. Агар у бир қарорга келган бўлса ва бу қарор мақбулдай кўринса, сўзсиз рози бўламан.

● Тўқимачилик ишлаб чиқариш корхонасининг хўжалик ишлари бўйича маъмури Наримон Нуриддинов:

– Менимча ўз ишини пухта биладиган, фикр доираси кенг бухгалтер билан, у чўрткесар бўлса ҳам, ишлаш раҳбариятга қулайроқдир.

● Бош бухгалтер Ўлмас Аҳадовна:

– Сизлар қўйган саволга шундай жавоб беришим мумкин:

мамлакатимиз қонун ҳужжатларига қатъий мувофиқ равишда ишлаш керак. Масалан,

бизларда Солиқ кодекси, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун бор, уларга таянган ҳолда яқдил фикрга келиш мумкин. Таассуфки, баъзан айрим раҳбарлар қонун ҳужжатларини нотўғри талқин этишади ва у ёки бу талабни бажармаса ҳам бўлаверади деб ўйлашади. Шундай қилишнинг оқибати эса вой.

Бухгалтер етарлича чўрткесар, қатъиятли бўлмаса, раҳбар бизнес туфайли келадиган бор фойдани бой бериши мумкин. Бошлиқнинг ҳамма истак-хоҳишини сўзсиз бажаравермаслик керак. Бу энг аввало корхона яхши кўрсаткичга эришиши учун зарурдир. Қолаверса, мазкур фирма ходимларнинг молиявий манфаатларини ҳам камситмаслик керак.

Чўрткесар ва қатъиятли бухгалтер ҳамisha тўғри ечим топиш, мавжуд вазиятдан чиқиш йўлини кўрсатади. Юридик масалаларга «тиши ўтадиган» бухгалтер, айтилик, хом ашё етказиб бериш тўғрисидаги шартномада камчилик бўлса, шу камчиликни албатта кўрсатади. Негаки ҳар қандай камчилик фирма учун молиявий қийинчиликлар келтириб чиқаради.

Раҳбарлар кўпинча Меҳнат кодекси нормаларига риоя қилишмайди ёки риоя этишни истамайди. Оқибатда ходимлар қонун ҳужжатларида белгиланган меҳнат таътилини ёки мана шу таътил учун моддий компенсацияни ололмайдилар, ҳар хил моддий рағбатлантиришлардан ҳам бебаҳра қоладилар... Булар эса шу ходимлар ишлаб турган ташкилот учун муаммолар келтириб чиқаради.

● Қўшма корхона бош бухгалтери Васила Воҳидовна:

– Директоримиз ҳар қандай одам билан ишлайверади. Биргина шарт улар билан ишлаш қонун ҳужжатларига зид бўлмаса бўлди.

Баҳтимизга, бошлигимиз харажатларни камайтириш йўлини тутмайди. Агар асосли, ўзини оқлайдиган харажатлар бўлса, уларни камайтиришнинг маънисини борми?

Кўпгина раҳбарлар бунга яхши тушунишади, шу сабабли фирма харажатларини ходимларнинг манфаатларига зарар етказадиган тарзда қисқартиришига йўл қўймадилар. Чунки ишда самарадорлик пасайиб кетиши мумкин. «Norma» ахборот-ҳуқуқий тизими олиш масаласини ҳал этаётганимизда, масалан, қайси туркумни олиш ҳақида узоқ ўйландик. Барча чеғирмаларни инобатга олганда ҳам фирмага бу қимматга тушиши мумкин эканлигини била туриб «Norma» тизимининг бир неча туркумларини бир йўла сотиб олдик. Булар хусусан «Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари», «Стандарт», «Экспорт-импорт операциялари» ва «Солиқ солиш амалиёти» туркумларидир. Эндиликда молия, бухгалтерия ҳисоби, солиқ солиш бобида бирон масала чиқиб қолса, тушунтириш сўраб бошқаларга мурожаат этиб ўтирмаймиз, ҳаммасини «Norma» дан бемалол топа оламиз. Мабодо, арзонроқ тушади деб биттагина туркумни сотиб олганимизда борми, қўшимча ахборот олиш учун алақимларга мурожаат этган бўлардик. Мухтасар қилиб айтганда, бундай қутилмаган харажатлар ўзини батамом оқламоқда.

«Norma» ахборот-ҳуқуқий тизими яратувчиларига илтимосимиз бор. Шундай тизимлар борки, уларда излаш учун буйруқ берилса, қидириладиган сўзлар қўшилмаси бошқалардан ажратилиб кўриниб туради. Сизларнинг тизимингизда ҳам шундай қила олиш мумкин бўлса, зўр бўлар эди. Сизларнинг дастурларингиз жуда ёқди, ҳалиги илтимосимиз инобатга олинса, нур устига аъло нур бўлар эди.


Таҳририятдан: «Norma Hamkor» маъмулият чекланган жамиятдан бизга хабар қилишларича, ҳозирги вақтда «Norma» дастурий таъминотининг янги ифодаси тайёрланмоқда. У шу йилнинг охирига бориб фойдаланувчиларнинг кўлига тегади. Унда қулайликлар, бажариладиган ишлар доираси кенгайган, Васила Воҳидовна айтган илтимослар ҳам инобатга олинган.

Олег БУРЕНОВ.

**КЕЛГУСИ ҲАФТАНИНГ САВОЛИ:**

БОШ БУХГАЛТЕР ҚУТИЛМАГАНДА ИШДАН БЎШАШ ҲАҚИДА АРИЗА БЕРИБ, ОРАДАН ИККИ ҲАФТА ЎТГАЧ, ИШЛАРНИ ҲЕЧ КИМГА ТОПШИРМАСДANOҚ ИШГА ЧИҚМАЙ ҚЎЙДИ. ШУНДАЙ ВАЗИЯТЛАРДА ДИРЕКТОР НИМА ҚИЛИШИ КЕРАК?

Жавобларни 144-44-45 факси ёки normapress@mail.ru электрон почтаси орқали юборишингиз мумкин. Сўровимизнинг энг фаол иштирокчилари ярим йиллик якунлари бўйича таҳририятнинг махсус соврини билан муқофотланадилар. Келгуси муҳокамалар учун саволларингизни юборишни ҳам унутманг.



Ўз офисингизни масофадан бошқаринг!



ЎЗБЕКИСТОН УЯЛИ АЛОҚА ТАРИХИДА ИЛК БОР!

PERFECTUM MOBILEдан ЯНГИ ХИЗМАТ "MOBILE VPN" ОРҚАЛИ ЎЗ КОРПОРАТИВ
тармоғингизга ажратилган ва симсиз чиқиш имкони!

УШБУ ХИЗМАТ НИМАСИ БИЛАН АФЗАЛ?

- Компания ходимларингиз "Perfectum Mobile" алоқаси мавжуд бўлган истаган ерда ва вақтда ҳужжатлар алмашинуви, савдо ва мижозларга хизмат кўрсатишни бошқариш имконига эга бўладилар. Ушбу хизматдан фойдаланиш учун сиз, Perfectum Mobile мижози сифатида, ушбу хизматни активлаштириш учун ариза билан мурожат этиб, ўз компютерингизни, шунингдек чиқиш имконини таъминлаш учун фирманинг ички тармоғини созлашингиз лозим.
- Ўз компания ходимларингизни янги "Mobile VPN" хизмати билан таъминлаб, сиз уларга компютерга ва корпоратив маълумотлар базасига ҳимояланган, ҳамда юқори тезликка эга бўлган (153,6 кбит/с гача) чиқиш имконини берасиз.

УШБУ ХИЗМАТ КИМ УЧУН АФЗАЛ?

- Агар сиз банк, идора ёки компания бошқарувчиси бўлсангиз ва у ерда агентларнинг кенгайтирилган тармоғига эга бўлган махсулаштирилган ҳужжат алмашинуви қабул қилинган бўлса, ҳамда ушбу агентлар реал вақт тартибда маълумотлар базасига мобил чиқиш эҳтиёжига эга бўлсалар (мини-банклар тармоғи, супермаркетлар, АЁҚШ, тўловлар қабул қилиш шаҳобчалари ва ҳоказо);
- Агар сизга корпоратив тармоққа узоқлаштирилган ва юқори ҳимояга эга бўлган мобил чиқиш имкони зарур бўлса;
- Агар сизга ривожланган телекоммуникацион инфратузилмадан узоқлашган жойларда маълумотларни узатишни ташкиллаштириш лозим бўлиб, кабелни ётқизиш эса жуда қimmat бўлса;

ТЕЖАЛГАН ВАҚТ ВА ХАРАЖАТЛАРДАН, ЖАЛБ ЭТИЛГАН ЯНГИ ХАРИДОРЛАРДАН
ОЛИНГАН ФОЙДАНИ ЎЗ АКТИВИНГИЗГА ҚЎШГАН ҲОЛДА, УШБУ ХИЗМАТДАН
ФОЙДАЛАНИБ, АФЗАЛЛИКЛАРИ ВА ҚУЛАЙЛИГИГА БАҲО БЕРИНГ!

 **PerfectumMobile**
CDMA — Dreams Come True!

Тел.: (8598) 305-1111 www.cdma.uz

ISO 9001:2000
Хизматлар лицензияга эга.

НОРЕЗИДЕНТДАН МАНБАДА УШЛАНАДИ



Биз Россия фирмаси билан пайвандлаш ишларини бажаришга шартнома туздик. Иш 7-15 кунда бажарилиши, бунинг учун 4 нафар мутахассис келиши керак. Ишлар тугагандан сўнг биз далолатнома бўйича валюта ҳисобварағимиздан Россия компанияси ҳисобрақамига пул маблағлари ўтказамиз.

Ўтказилган сумма қай тарзда солиққа тортилади ва унинг тўловчиси бўлиб қайси тараф ҳисобланади?

**Сарвар Рўзमतов,
«MS Savdo» МЧЖ бош бухгалтери.**

Агар импорт шартномангиз корхонангиз томонидан «талаб қилиб олингунча» депозит

ҳисобрақами очилган жойдаги банкда рўйхатга олинган ҳамда ҳисобга қўйилган

НАРХИ – КЕЛИШИЛАДИ



Корхонамиз ХХТУТ 95120 кодига (фан) эга, бироқ улгуржи савдо билан шуғулланади. Илгари биз 10 фоизлик ставка бўйича асосий фаолият турига кўра ягона солиқ тўлардик. Йил бошидан 5 фоизлик ставка бўйича савдо ва умумий оқатланиш корхоналари учун ягона солиқ тўлови тўлаяпмиз, чунки асосий фаолият тури бўйича иш юртимаяпмиз.

Балансимизда 1998 йилда 700 минг сўмга харид қилинган автомобиль бор. Уни қайта баҳолаш амалга оширилди ва 2007 йил 1 январь ҳолати бўйича тиклаш қиймати 6 млн сўмни ташкил этади. Эскириш тўлиқ ҳисоблаб ёзилган. Муассисларнинг умумий йиғилиши автомобилни 600 минг сўмга сотишга қарор қилди.

1. Биз харид қийматидан паст бўлган нархни тайинлашга ҳақлимизми?

2. Ягона солиқ тўловининг қандай фоизини тўлашимиз керак – сотиш ва резерв капитал суммасидан 5 ёки 10 фоизини?

3. Бунда қандай проводкаларни амалга оширишимиз керак?

**Марина,
бош бухгалтер.**

1. Асосий воситаларни сотиш нархи сотиш объектининг техник ҳолатини ва бозорда шакланган конъюктурани ҳисобга олган ҳолда битим тарафларининг келишуви бўйича белгиланади. Агар тарафлар айна шундай нархда олиш-сотиш тўғрисида келишиб олишса, бу нарх харид қийматидан паст бўлиши мумкин.

2. Корхонанинг асосий воситалари ва бошқа мол-мулки сотилганда ягона солиқ тўловига тортиш объекти бўлиб, янги тахрирдаги Ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга кўра (МВ ва ДСҚнинг Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 28 мартда 1667-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган), сотишдан (реализациядан) олинган даромад ҳисобланади.

Асосий воситаларни сотишдан олинган даромад Асосий воситаларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисида низомнинг (молия вазирининг Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 29 августда 1401-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган) 24-бандига мувофиқ аниқланади. Мазкур бандга кўра асосий воситаларни сотишдан олинган молиявий натижа (фойда ёки зарар), қўшилган қиймат солиғи, сотиш харажатлари ва 8510-«Мол-мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» ҳисобварағи бўйича асосий воситаларни қайта баҳолаш сальдосини ҳисобга олган ҳолда, сотишдан олинган тушум ва сотилаётган асосий воситаларнинг қолдиқ (баланс) қиймати ўртасидаги фарқ сифатида белгиланади.

Ягона солиқ тўлови асосий (бош) фаолият турига мувофиқ келадиган ставка бўйича тўланади. Сотининг умумий йиллик ҳажмида (товар айланмасида) тушумнинг улуши энг кўп бўлган фаолият тури ана шундай фаолият тури ҳисобланади.

Сизнинг корхонангиз учун асосий фаолият тури бўлиб улгуржи савдо ҳисобланиши боис, автомобилни сотишдан олинган даромаддан 5 фоизлик ставка бўйича ягона солиқ тўлови тўлаши керак.

Мисол. Сотилган автомобилнинг тикланиш қиймати 6 млн сўмни, ҳисоблаб ёзилган эскириш 6 млн сўмни ташкил этса

бўлса, у ҳолда сизда Ўзбекистон Республикаси солиқ қончилигига мувофиқ куйидаги солиқ оқибатлари юзага келади.

Ўзбекистон Республикасида бажариладиган ишлар (кўрсатиладиган хизматлар) импорти қўшилган қиймат солиғига тортиш объекти бўлиб ҳисобланади (Солиқ кодексининг 67-моддаси). Импорт қилинадиган ишлар (хизматлар) бўйича у 20%ли ставка бўйича тўланади.

Солиқ кодексининг 34-бандига мувофиқ норезидентнинг доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаган даромади (фойдаси)га жами даромаддан чегирма қилмай, тўлов манбаида солиқ солинади; агар даромад (фойда) манбаи Ўзбекистон Республикасида жойлашган бўлса – Солиқ кодекси-

нинг 30-моддасида назарда тутилган ставкалар бўйича солиқ солинади. Сизнинг ҳолатингизда унинг ставкаси 20%га тенг. Тўлов манбаида солиқ солиш тўловнинг Ўзбекистон Республикаси ичида ёки унинг ҳудудидан ташқарида амалга оширилганидан қатъи назар қўлланади.

Мисол. Ўзбекистондаги корхона чет элдаги фирма – норезидент билан 120 000 АҚШ долларига усқунани таъмирлашга шартнома тузди. Норезидентнинг даромадига солинадиган солиқ суммаси 24 000 АҚШ долларига тенг бўлади (120 000 \$ x 20%).

Норезидентга ҳақ суммаси ушланган солиқни чегирман ҳолда ўтказилади. Бунда у 96 минг АҚШ долларини (120 минг \$ – 24 минг \$) ташкил этади.

ва, агар автомобилни қайта баҳолаш сальдоси 1 млн сўмни, сотиш қиймати 600 минг сўмни ташкил этди деб фарз қилсак, бухгалтерия ҳисобида мазкур операция қуйидагича акс эттирилиши керак:

№	Ҳўсалик операцияларининг мазмуни	Сумма (минг сўм)	21-сон БҲМС бўйича ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Транспорт воситаларининг тикланиш қийматини ҳисобдан чиқариш	6000	9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»	0160-«Транспорт воситалари»
2	Ҳисоблаб ёзилган эскиришни ҳисобдан чиқариш	6000	0260-«Транспорт воситаларининг эскириши»	9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»
3	Транспорт воситаларини қайта баҳолаш сальдоси ҳисобдан чиқарилади	1000	8510-«Мол-мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар»	9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»
4	Транспорт воситаларини сотишдан тушумни акс эттириш	600	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинган ҳисобварақлар»	9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»
5	Транспорт воситаларини сотишдан молиявий натижа акс эттирилган (1000 + 600 + 6000 - 6000)	1600	9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»	9310-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда»
6	Ягона солиқ тўлови (1600 x 0,05) ҳисоблаб ёзилган	80	9820-«Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар бўйича харажатлар»	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»

МУАССИС ҲИСОБЛАШНИ СЎРАЯПТИ



Чиқиб кетаётган муассисга улушни амалдаги қонунчилик асосида, бунда МЧЖнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини бузмаган ҳолда тўлашни таъминлаш учун бир қатор саволларга жавоб беришингизни сўрайман.

1. Жамиятнинг устав фонди 9 603 минг сўмни, жамият таркибидан чиқётган муассиснинг улуши (дастлабки ҳиссаси) 2 652,35 минг сўмни ташкил этади. МЧЖ иштирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан чиқиб кетаётган муассисларга улушни пул билан тўлашга қарор қилинди. Жамият баланси куйидаги кўринишга эга:

АКТИВ		ПАССИВ	
Г бўлим	Сумма (минг сўм)	Г бўлим	Сумма (минг сўм)
Асосий воситалар	3 354,0	Устав капитал	9 603,0
Узоқ муддатли инвестициялар	125,0	Қўшилган капитал	8 956,0
Узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар	15 000,0	Тақсимланмаган фойда	29 803,0
Г бўлим бўйича жами (130-сатр)	18 479,0	Г бўлим бўйича жами (480-сатр)	48 362,0
II бўлим		II бўлим	
Товар-моддий захиралар	64 369,0	Жорий мажбуриятлар	122 081,0
Дебиторлар	85 399,0		
Пул маблағлари	2 196,0		
II бўлим бўйича жами (390-сатр)	151 964,0	II бўлим бўйича жами (770-сатр)	122 081,0
Актив бўйича жами (400-сатр)	170 443,0	Пассив бўйича жами (780-сатр)	170 443,0

Чиқиб кетаётган муассисга улуш тўланаётганда қандай ҳисоб-китобларни қилиш лозим?

2. Муассисга тўланиши зарур бўлган улушнинг ҳақиқий қиймати деганда нима тушунилади?

3. Жамиятнинг соф активлари деганда нима тушунилади ва уларнинг миқдори қандай ҳисоб-китоб қилинади?

4. Чиқиб кетаётган муассиснинг МЧЖ устав капиталдаги улуши 27,62%ни ташкил этади. Илова қилинаётган жамият балансида келиб чиқиб, муассисга тўланадиган улушнинг миқдори қанча бўлиши кераклигини аниқ мисолда тушунтириб берсангиз.

– Муассис жамиятдан чиқиб кетиб, ўз улушини бошқа иштирокчиларга, учинчи шахслар ёки МЧЖнинг ўзига сотганида чиқиб кетаётган муассис улушининг ҳақиқий қиймати ҳисобланади. Бу мазкур улушни бошқа иштирокчилар ёки учинчи шахсларга сотиш нархини белгилаш учун, ушбу улуш МЧЖ томонидан сотиб олинган тақдирда эса, агар бошқа муассислар уни олишдан бош торсалар ва уни учинчи шахсларга сотиш тақиқланган бўлса, – чиқиб кетаётган муассисга унинг улушининг у қиритган ҳисса қисмига мутаносиб бўлган ҳақиқий қийматини тўлаш учун зарур (2001 йил 6 декабрдаги 310-II-сон «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуннинг 22-моддаси).

МЧЖнинг ҳақиқий қиймати унинг

соф активлари қийматига мувофиқ келади. Уларнинг таърифи 14-сон БҲМС «Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот»нинг 10-бандида келтирилган: соф активлар – ҳўжалик юритувчи субъектнинг ўз маблағлари билан таъминланган узоқ муддатли ва жорий активларнинг қиймати, яъни қарз мажбуриятларидан озод бўлган жамият мол-мулкнинг қийматидир. Соф активлар қиймати ҳисоб-китоб йўли билан аниқланади: активлар қийматидан қарз мажбуриятлари суммаси чегирилади (баланс активининг 400-сатри айирув баланс пассивининг 770-сатри).

Илова қилинаётган балансга кўра жамият активлари қиймати (400-сатр) 170 443 минг сўмга тенг, мажбуриятлар миқдори (770-сатр) – 122 081 минг сўм. МЧЖ соф активлари миқдори 48 362 минг сўмни ташкил этади.

Унинг иштирокчиси улушининг ҳақиқатдаги қиймати жамият соф

активлари қийматининг унинг улуши миқдорига мутаносиб бўлган қисмига мувофиқ келади («Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддаси). Чиқиб кетаётган муассис улушининг ҳақиқатдаги қийматини аниқлаш учун соф активлар қиймати (48 362 минг сўм) жамиятнинг чиқиб кетаётган иштирокчиси улушининг фоиз қийматига (27,62%) кўпайтирилади. Шу тариқа у 13 357,58 минг сўмни ташкил этади. Чиқиб кетаётган муассис улушининг ҳақиқатдаги миқдори билан унинг дастлабки ҳиссаси ўртасидаги фарқ 10 705,23 минг сўмни (13 357,58 – 2 652,35) ташкил қилади. Агар муассис юридик шахс бўлса, фарқ юридик шахсларнинг даромади (фойдаси)га солинадиган солиққа, агар у жисмоний шахс бўлса – жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиққа тортилиши керак.

Тушунтириш электрон эксперт тизими материаллари асосида тайёрланди

NORMA
Ахборот-ҳуқуқий тизими

**АМАЛИЙ
БУХГАЛТЕРИЯ**

Сотиб олиш масалалари бўйича қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинг:

Тошкент ш.: (99871) 137-07-78, 137-45-29
Гулистон ш.: (3672) 27-58-97
Самарқанд ш.: (3662) 34-16-12
Наманган ш.: (3692) 32-84-26
Фарғона ш.: (3732) 26-78-80

Андижон ш.: (9742) 50-25-96
Қарши ш.: (99873) 227-18-11

Ишлов талаб қилади

ХИСОБ-КИТОБ АНИҚ БЎЛИШИ УЧУН

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида йўриқноманинг (МВ ва ДСҚнинг Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 11 мартда 1107-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган) (бундан кейин – Йўриқнома) 5-бандига мувофиқ юридик шахслар мол-мулкининг ўртача йиллик қолдиқ қиймати ҳисобот йилининг 1 январидан ва ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 январидан мол-мулк қолдиқ қийматининг ярмини қўшишдан олинган суммани ҳамда ҳисобот даври қолган барча ойлари ҳар бир дастлабки кундаги мол-мулк қолдиқ қиймати суммасини 12 га бўлишдан олинган сон сифатида қуйидаги формула бўйича аниқланади:

Йўриқномада айтилишича, мол-мулкнинг ҳисобот даври охиридаги (ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 январидан) ўртача қолдиқ қийматини ҳисоблаб чиқишда асосий воситаларни ҳар йилги қайта баҳолаш натижаларини ҳисобга олмасдан қолдиқ қийматини олинад.

Асосий воситаларни ҳар йилги қайта баҳолаш 1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни ҳар йили қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисида низомга мувофиқ (Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 4 декабрда 1192-сон билан рўйхатдан ўтказилган) ўтказилади. Унинг 2-бандига биноан асосий фондлар қийматини қайта баҳолаш ҳар йили (жорий йилнинг 1 февралигача) 1 январь ҳолати бўйича қайта баҳолашни ўтказиш даврида нархлар дара-

жасидан келиб чиқиб ўтказилади.

Йўриқноманинг 17-банди мол-мулк солиғи тўловчилари мазкур солиқ бўйича бюджетга жорий (бунак) тўловларни ҳар ойнинг 20-кунидан кечиктирмай, йиллик солиқ суммасининг 1/12 қисми миқдоридан тўлашларини белгилайди. Уларни ҳисоблаб чиқариш учун солиқ тўловчилар мол-мулкнинг тегишли йилга ўртача йиллик қолдиқ қийматидан ва белгиланган солиқ ставкасидан келиб чиқадилар ва давлат солиқ хизмати органларига белгиланган шаклда маълумотнома тақдим этадилар.

Ҳар йили қайта баҳолашни ўтказиш учун қонун билан бир ой муддат берилган бўлиб, 10 январга қадар солиқ тўловчида ҳали унинг натижалари бўлмайди. Бироқ бунга қарамадан, Йўриқномага биноан мўлжалланган мол-мулк солиғи суммаси тўғрисида маълумотномани мазкур муддатгача тақдим этиш белгиланган. Мазкур ҳолатда солиқ тўловчи мўлжалланаётган ҳисоб-китобни қайта баҳолашни ҳисобга олмасдан амалга оширади, бу эса тўланаётган бунак тўловларининг ҳисобот даври якуналари бўйича тўланиши керак бўлган суммага номувофиқлигини келтириб чиқаради.

Мазкур ноаниқликни бартараф этиш мақсадида биринчидан, мўлжалланган мол-мулк солиғи суммаси тўғрисида маълумотномани тақдим этиш муддатини жорий ҳисобот йилининг 5 февралига қадар қилиб белгилаш; иккинчидан, январь ойи учун бунак тўловини аввалги ҳисобот йилининг декабрь ойи учун тўланган бунак тўловлари суммасида ҳисоблаб ёзиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Муҳиддин ЗАЙНИДДИНОВ,
эксперт, Солиқ маслаҳатчилари палатасининг аъзоси.

КИЧИК КОРХОНАЛАР ТЎЛАМАСЛИГИ МУМКИН



«Amaliy Aloqalar Biznesi» МЧЖ компанияси Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва БМТ ТД дастури томонидан ўтказилган, Ташқи савдони ривожлантириш ва экспортни олға ҳаракатлантириш бўйича эксперт кенгашининг мажлисида иштирок этди, унда «Экспорт фаолияти бўйича қўлланма»ни олди. Қўлланманинг «Экспортчиларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ва улар учун имтиёзлар» бўлимида кичик ва ўрта бизнесни ўзи ишлаб чиқарган товарлар (ишлар, хизматлар) экспортдан келиб тушадиган тушумнинг 50 фоизини мажбурий сотишдан озод қилиш тўғрисида сўзланади.

Баъзи миқозларимиз билан интернет тармоғига кириш хизматларини тақдим этишга доир экспорт контрактлари тузилган, миқозларимиз улар учун валюта ҳисобрақамимизга АҚШ долларида ҳақ тўлайдилар. Маблағларнинг келиб тушишига қараб биз валютанинг 50 фоизини сотамиз. Тушунтириб берсангиз: биз валютани сотмаслигимиз ва бутун экспорт тушумини ўз валюта ҳисобрақамимизда қолдиришимиз мумкинми?

– Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан хорижий валютадаги тушумни мажбурий сотиш тартиби (Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 июндаги 245-сон қарорига 1-илова) 3-бандининг «е» кичик бандига мувофиқ микрофирмалар ва кичик корхоналар валютадаги экспорт тушумининг бир қисmini мажбурий сотишдан озод қилинганлар.

Агар компаниянгиз микрофирмалар ва кичик корхоналар тоифасига кирса ва у банкда экспортга оид деб рўйхатдан ўтказилган шартнома бўйича хизматлар кўрсатган (хизматлар хорижий давлатнинг юридик ёки жисмоний шахсига кўрсатилган бўлса, улар бажарилган (кўрсатилган) жойдан қатъи назар) ва ҳақ эркин алмаштириладиган валютада тўланган бўлса, хорижий валютадаги тушумнинг 50 фоизини мажбурий сотишингиз даркор эмас.

Тушунтиришлар электрон маълумотнома тизими материаллари асосида тайёрланди

NORMA
Ахборот-ҳуқуқий тизими

ЭКСПОРТ-ИМПОРТ ОПЕРАЦИЯЛАРИ


Сотиб олиш масалалари бўйича қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинг:

Тошкент ш.: (99871) 137-07-78, 137-45-29
Гулистон ш.: (3672) 27-58-97
Самарқанд ш.: (3662) 34-16-12
Наманган ш.: (3692) 32-84-26
Фарғона ш.: (3732) 26-78-80

Андижон ш.: (3742) 50-25-96
Қарши ш.: (99873) 227-18-11

	1 янв.га		1 янв.га*
Мол-мулкнинг	-----	+ 1 фев.га + ... + 1-дек.га +	-----
Ўртача қолдиқ қиймати =	2		2
			12

* Қолдиқ қиймат қайта баҳолашни ҳисобга олмасдан, яъни ҳисобот даври охиридаги ҳолат бўйича аниқланади.



Мавзуга қайтиб: «УЛУШ ЎЗГА ШАХСГА БЕРИЛГАНИДА» – «Норма маслаҳатчи», 18 (95)-сон

Эксперт юридик хизмати маслаҳат беради

ҲУҚУҚДАН ВОЗ КЕЧИЛГАНДА

«Улуш ўзга шахсга берилганида» мақоласида муассис МЧЖга ўз улуши сифатида ўзга юридик шахсдаги ўзининг таъсис бадалига бўлган ҳуқуқини киритганда уни бериш тўғрисидаги битим расмийлаштирилиши кераклиги айтиб ўтилган. Бу нарса, биринчидан, «ўзга юридик шахс»нинг таъсис ҳужжатларига ҳам тегишли ўзгартиришлар киритилиши кераклигини; иккинчидан, муассис учинчи ва кейинги барча юридик шахслар таъсис этилаётган пайтда амалда бой берилган мазкур улушни кўрсатиш ва унинг учун дивиденд олиш ҳуқуқига эга эмаслигини англатадими? Мазкур ҳолда уларни ким олади?

Р.Иброҳимов.

– Фуқаролик кодекси 43-моддасининг тўртинчи қисмида юридик шахснинг устави ва бошқа таъсис ҳужжатларида юридик шахснинг номи, унинг жойлашган ери (почта манзили), юридик шахс фаолиятини бошқариш тартиби белгилаб қўйилиши, шунингдек уларда тегишли турдаги юридик шахслар тўғрисида қонунда назарда тутилган бошқа маълумотлар бўлиши кераклиги белгиланган.

2001 йил 6 декабрдаги «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги 310-II-сон Қонуннинг (бундан кейин – Қонун) 13-моддаси билан жамият устави ўз ичига оладиган маълумотлар рўйхати белгиланган. Унда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- жамиятнинг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номи;
- жамият фаолиятининг предмети;
- жамиятнинг почта манзили тўғрисидаги маълумотлар;
- жамият органларининг таркиби ва ваколатлари тўғрисидаги, шу жумладан жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг мутлақ ваколатига кирувчи масалалар тўғрисидаги, жамият органлари томонидан қарорлар қабул қилиш тартиби тўғрисидаги, шу жумладан қарорлар бир овоздан ёки квалификациян кўпчилик овоз билан қабул қилинадиган масалалар тўғрисидаги маълумотлар;
- жамият устав фондининг (устав капиталининг) миқдори тўғрисидаги маълумотлар;
- жамият ҳар бир иштирокчиси улушининг миқдори ва номинал қиймати тўғрисидаги маълумотлар;
- жамият иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари;
- жамият иштирокчисининг жамиятдан чиқиш тартиби ва унинг оқибатлари тўғрисидаги маълумотлар;
- жамият устав фондидаги (устав капиталдаги) улушининг (улуш бир қисмининг) бошқа шахсга ўтиши тар-

тиби тўғрисидаги маълумотлар;

– жамиятнинг ҳужжатларини сақлаш тартиби ҳамда жамият томонидан жамият иштирокчиларига ва бошқа шахсларга ахборот тақдим этиш тартиби тўғрисидаги маълумотлар;

– жамиятнинг ваколатхоналари ва филиаллари тўғрисидаги маълумотлар.

Бироқ рўйхат бу билан чекланмайди. Унда қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа маълумотлар ҳам кўрсатилиши мумкин. Чунинчи, агар жамият уставида унинг муассислари ва уларнинг юридик шахс устав фондидаги улуш миқдорлари ҳақидаги маълумотлар кўрсатилган бўлса, унда улардан бири ўзининг таъсис бадалига бўлган ҳуқуқидан ўзга шахс фойдасига воз кечган тақдирда «ўзга юридик шахс» ўзининг таъсис ҳужжатларига тегишли ўзгартиришларни киритиши керак.

Қонун 20-моддасининг ўзинчи ва ўн биринчи қисмида устав фондидаги улушни олувчи шахс МЧЖ воз кечиш тўғрисида хабардор қилинган пайтдан эътиборан жамият иштирокчисининг ҳуқуқларига эга бўлиши ва мажбуриятларини амалга ошириши белгиланган. Бундан ташқари, унга жамият иштирокчисининг мазкур улушдан воз кечишига қадар юзага келган барча ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ўтади. Қонуннинг 8-моддасига мувофиқ улушни олувчи шахс фойдани тақсимлашда иштирок этиши, дивиденд олиши, шунингдек ўз улушини жамият аъзоси ёхуд бошқа шахсга сотиш ёки уларнинг фойдасига воз кечиш ҳуқуқига эга.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқадиги, ўз улушидан воз кечган муассис учинчи ва ундан кейинги барча юридик шахслар таъсис этилаётган пайтда мазкур улушни кўрсатиш ва унинг учун дивиденд олиш ҳуқуқига эга эмас. Мазкур ҳолда олувчи шахс, яъни ўзга юридик шахсда ҳиссага бўлган ҳуқуқ улуш сифатида устав фондида киритилган юридик шахс дивиденд олишга ҳақли бўлади.

РУЛНИ ХОДИМГА ИШОНИНГ

Икки юридик шахс бир муассисга эга, уларнинг молия-хўжалик фаолияти ўзара чамбарчас боғлиқ. Бир юридик шахс бошқасига ижара шартномаси бўйича автомашинани фойдаланишга беряпти. Мазкур ҳолда ижара шартномасини нотариал тасдиқлаш зарурми?

Агар Автомототранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномаларни, уларни бошқа шахсга бериш ва ижарага бериш шартномаларини расмийлаштириш тартиби тўғрисида низом (Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 мартдаги 38-сон қарорига илова) юридик шахслар томонидан мазкур юридик шахслар ходимларининг автомобилдан фойдаланишига ишончномалар бериш ҳолларига татбиқ этилмаса, уни қандай шаклда расмийлаштириш керак?

Юрист.



– Сиз айтиб ўтган Низомнинг 3-бандига назарда тутилишича, автоматотранспорт воситаларини ижарага бериш шартномаси нотариал тартибда тасдиқланиши керак, автоматотранспорт воситаларини ихтисослаштирилган савдо корхоналари, Давлат мулки кўмитаси ва унинг худудий бўлиқ-малари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг худудий бўлиқлари суд ижрочиларининг туман (шаҳар) бўлиқлари суд ижрочилари томонидан аукцион савдолар орқали белгиланган тартибда со-

тиш ҳоллари бундан мустасно. Сизнинг ҳолатингиз юқорида кўрсатилган ҳолатларга тўғри келмаслиги боис, сиз кўрсатган юридик шахслар ўртасида тузиладиган автоматотранспорт воситаларини ижарага бериш шартномаси нотариал тартибда тасдиқланиши керак.

ФК 138-моддасининг биринчи қисмида белгиланишича, юридик шахс номидан бериладиган ишончнома раҳбар томонидан имзола-ниб, унга ушбу юридик шахснинг муҳри босилади. Бинобарин, қонун ҳужжатларида юридик шахс томонидан ўз ходимларига бериладиган, автомобилдан фойдаланишга ишончноманинг оддий ёзма шакли назарда тутилган.

Маслаҳатларни «Норма» ахборот-ҳуқуқий тизими эксперт юридик хизматининг эксперт-юристи Ада ЦОЙ тайёрлади.

ИККИ ВАЗИФАНИ УДДАЛАШ

ҚОНУНЧИЛИКНИНГ БОШ БУХГАЛТЕР ИМЗОСИ ҚЎЙИЛМАГАН ҲУЖЖАТЛАР АЙЛАНИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ БАЪЗИ ҚОИДАЛАРИ ШАРҲИ



МЧЖ ускуналарни таъмирлаш хизматларини кўрсатади; ягона солиқ тўловини тўлаб келади. Солиқ солишининг соддалаштирилган тизимига ўтганлигимиз боис бухгалтерия ҳисобини ўзим юрита оляпман. Менга бухгалтернинг кераги йўқ.

Фирмамизга хизмат кўрсатадиган банкдаги имзолар намуналарида бухгалтер имзосининг бўлиши шартми?

МЧЖ директори.



Банк молия ҳужжатларида иккинчи имзо: бош бухгалтер (штатда унинг лавозими назарда тутилмаган) имзоси йўқ бўлганда банк операцияларини ўтказишдан бош тортаётгани сабабли ширкатимиз айни пайтда ишлай олмаяпти. Штатимиз катта эмас. Айрим мутахассисларни муайян иш ҳажмини бажариш учун қисқа муддатга ёллаймиз. Бош бухгалтер ва бошқа лавозимларни жорий этиш бизга қимматга тушади. Раиснинг ўзи «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ бухгалтерия ҳисобини юритади, унда эса раҳбар бухгалтерия ҳисобини мустақил юритишга ҳақли дея белгиланган. Ушбу масала бўйича тушунтириш беришингизни сўрайман. ХУМШ бошқаруви раиси.

Ҳақиқатан ҳам, ҳуқуқни қўллаш амалиётида ташкилот (одатда у катта бўлмайди) ходимларининг штат жадвалида бош бухгалтер лавозими назарда тутилмайдиган, операцияларнинг бухгалтерия ҳисобини эса раҳбарнинг ўзи юритадиган ҳоллар оз эмас. Бироқ банклар иккинчи имзосиз (бош бухгалтер имзосисиз) пулли ҳисоб-китоб ҳужжатларини қабул қилишдан бош тортадилар. Имзолар намуналари ва муҳр изи қайд этилган картотчкаларга нисбатан ҳам худди шундай ҳолатни кўраемиз. Бухгалтерия ҳисобини раҳбар юритадиган, алоҳида бош бухгалтер лавозими бўлмаган тартиб қонун талабларига мувофиқ келадими? Бундай ҳолда банкнинг ҳаракатлари қанчалик қонуний?

РАСМИЯТЧИЛИКЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛАМИЗ

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун (1996 йил 30 август, 279-1-сон) 7-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ юридик шахсда бухгалтерия ҳисобини ташкил этишни раҳбар амалга оширади. Кўрсатилган модданинг иккинчи қисми ушбу қоида-ни амалга оширишининг уч усулини назарда туттади:

1) бош бухгалтер раҳбарлигида бухгалтерия ҳисоби хизматини ташкил этиш ёки шартнома асосида жалб этилган бухгалтер хизматидан фойдаланиш;

2) бухгалтерия ҳисоби юритишни шартнома асосида ихтисослаштирилган бухгалтерия фирмасига юклаш;

3) бухгалтерия ҳисобини мустақил юритиш.

Ушбу усуллардан бирортасини танлаш ва қўллаш раҳбарнинг ҳуқуқидир. Агар у бухгалтерия ҳисобини учинчи шахслар ёрдамига таянмасдан ўзи юритмоқчи бўлса, қонун уни бош бухгалтер лавозимига ходим ёллашга мажбур қилмайди. Мазкур ҳолда раҳбар айни вақтда бухгалтерия ҳисоби вазифаларини бажарадиган шахс ҳам ҳисобланади. Бундай сифатда у эгаллаган лавозимига кўра ва «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун берган ваколатлар асосида ҳужжатларни имзолашга ҳақлидир.

Кўриб чиқилаётган вазиятда қуйидаги масалалар долзарб:

– Бухгалтерия ва солиқ ҳисоби ҳамда ҳисоботи ҳужжатларини, шунингдек пул, товар-моддий ва бошқа бойликларни қабул қилиш ва бериш, кредит ва ҳисоб-китоб мажбуриятларини бажариш учун асос бўлиб хизмат қиладиган ҳужжатларни қандай имзолаш керак?

– Хизмат кўрсатадиган банкка тақдим этиладиган, имзолар намуналари ва муҳр изи қайд этилган картотчкани қандай расмийлаштириш керак?

Тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиладиган ҳўжалик ҳужжатлари (тўлов топшириқномаси ва бошқа) кўпчилигининг тасдиқланган шакллари раҳбар ҳамда бош бухгалтер имзо қўйиши учун мўлжалланган устунларни назарда туттади. Шу сабабли уларда кўрсатилган шахслар реквизитларининг бўлиши шарт. Бош бухгалтер лавозими назарда тутилмаган, бухгалтерия ҳисобини юритиш билан раҳбар шуғулланмайдиган вазиятда икки вариант бўлиши мумкин:

Биринчи – раҳбар ҳужжатнинг иккала устунидан имзо чекади;

Иккинчи – раҳбар ҳужжатни «раҳбар» ёзуви ёнига имзо чеки тасдиқлайди, бош бухгалтер имзоси ўрнига «назарда тутилмаган» деб ёзади ёки шундай ёзувли штамп қўяди.

Фуқаролик кодекси 793-моддасининг биринчи қисмига кўра тўлов топшириқномаси ва у билан бирга тақдим этиладиган ҳисоб-китоб ҳужжатларининг мазмуни ҳамда шакли банк қоидалари билан белгиланган талабларга мувофиқ келиши керак. 1122-сон Низомнинг* 13-бандига мувофиқ юридик шахслардан пулли ҳисоб-китоб ҳужжатларини банк ижрога биринчи нусхада (асл нусхада) имзо намуналари ва асосий муҳр изи қайд этилган картотчкада кўрсатилган мансабдор шахсларнинг (раҳбарлик вазифаларини амалга ошираётган шахс ва бухгалтерия ҳисоби ҳамда молиявий бошқарув вазифаларини амалга ошираётган шахснинг) имзолари мавжуд бўлганда қабул қиладди.

Тўлов топшириқномасини имзоланиши юқорида келтирилган икки варианты қонунчиликка мувофиқ келади ва бухгалтерия ҳисоби ҳамда банк соҳасини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қоидаларини бузмайди. Агар ҳужжат барча меъёрий-ҳуқуқий талабларга мувофиқ расмийлаштирилган бўлса, банкда уни қабул қилишни рад этиш учун асос йўқ ва у ҳужжатни бажариши керак. Ноқонуний рад этиш банк томонидан мижознинг топширигини лозим даражада бажармаслик деб баҳоланади, бунинг учун у Фуқаролик кодекси 795-моддасининг биринчи қисмига асосан ФК 327-моддаси бўйича мижозга бошқа шахсларнинг пул маблағларидан фойдаланганлик учун банк тўлов топшириқномасини бажаришга қабул қилишни рад этиши натижасида ўтказилмаган маблағлар суммасига фоиз тўлаш шаклида жавобгар бўлади.

1080-сон Йўриқноманинг** 28-бандига кўра имзолар намуналари ва муҳр изи қайд этилган картотчкага юридик шахс раҳбари ва бош бухгалтерининг ёки раҳбар ваколат берган шахсларнинг имзолари киритилади. Фирмада бош бухгалтер ва, тегишинча, унинг ўрнини босадиган шахснинг лавозими мавжуд бўлганда иккинчи имзо (бош бухгалтер имзоси) намунаси бўлиши шарт. Агар бундай лавозим бўлмаса, раҳбар эса бухгалтерия ҳисобини мустақил амалга оширса, мазкур ҳолда юқорида ай-

тилган усуллардан бирини қўллаш, яъни:

– фақат раҳбарнинг имзосини қўйиш, «бош бухгалтер» устунидан эса корхонада мазкур лавозим назарда тутилмаганлигини кўрсатиш;

– иккала устунда ҳам раҳбарнинг бир имзосини такрорлаш тўғри бўлади.

Тўлов топшириқномаларини расмийлаштиришда бўлганидек, иккала усул ҳам қонунчиликка мувофиқ келади. Банкнинг белгиланган талабларга мувофиқ расмийлаштирилган картотчкани қабул қилишдан бўйин товлаши ҳуқуқбузарлик ҳисобланиб, бунинг учун, вазиятга боғлиқ ҳолда, қуйидаги жавобгарлик назарда тутилган:

1) агар субъект томонидан барча меъёрий-ҳуқуқий шартлар бажарилганда ноқонуний рад этиш банкка талаб қилиб олинганча депозит ҳисобварағини очиш тўғрисида ҳужжатларни тақдим этиш босқичида юз берган бўлса, банкнинг ҳаракатлари 1044-сон Низомнинг*** 4-банди билан қамраб олинади ва ҳисобрақам очилишини асосиз ушлаб туриш сифатида баҳоланади. Бунинг учун банкнинг ҳисобрақам очиш тўғрисида ҳужжатларни тақдим этган субъект олдида банк устав капитални белгиланган энг кам миқдорининг 0,05 фоизи миқдоридан жарима тўлаш кўринишидаги жавобгарлиги назарда тутилган;

2) агар субъектга рад жавоби берилиши банкка янги картотчка тақдим этилаётганда юз берган бўлса (1080-сон Йўриқноманинг 33-банди), банкнинг ҳаракатлари мижознинг ҳисобварақни тасарруф этиш ҳуқуқини ноқонуний чеклаш сифатида баҳоланиши мумкин (Фуқаролик кодексининг 787-моддаси), натижада мижоз банкка пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тўғрисида фармойиш бериш имкониятига эга бўлмайди. Мазкур ҳуқуқбузарлик учун мижоз банкдан етказилган зарарларни қоплашни талаб этишга ҳақлидир (Фуқаролик кодексининг 14-моддаси). Бунга қўшимча равишда, агар банк ҳисобварағи шартномасида, масалан, мижознинг ҳисобварақдан фойдаланиш билан боғлиқ ҳуқуқларини ноқонуний чеклаганлик учун жарима кўринишида жавобгарлик чоралари назарда тутилган бўлса, субъект банкдан жарима суммаларини тўлашни талаб қилишга ҳақлидир.



ҚАНДАЙ ЙЎЛ ТУТИШ КЕРАК?

Агар юридик шахснинг ташкил этаётганда аввал-бошдан бош бухгалтер лавозимини жорий этиш назарда тутилмаган бўлса, директорга (бош директор ва ҳоказо) раҳбар мажбуриятларини олиш тўғрисида буйруқ чиқариш чоғида бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича вазифаларни ўз зиммасига юклашни ҳам кўрсатиш тавсия қилинади. Банкка ҳисобварақ очиш тўғрисида ариза билан мурожаат этиб, талаб қилинаётган ҳужжатлар тақдим қилинганда банк ходимларини мазкур буйруқ матни билан, шунингдек белгиланган тартибда тасдиқланган, ходимлар штатини белгилайдиган, унда бош бухгалтер лавозими, табиийки, мавжуд бўлмаган локал ҳужжат (штатлар жадвали ёки бошқа ҳужжат) билан таништириш тавсия қилинади.

Агар юридик шахс фаолиятининг бошланишида бош бухгалтер лавозими назарда тутилган, бироқ кейин бундай ходимга эҳтиёж йўқолган ва операциялар бухгалтерия ҳисоби бўйича вазифаларни раҳбарга бериш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса, ходимларнинг штат рўйхатини ўзгартириш тўғрисида буйруқ чиқариб, бу билан бош бухгалтер лавозимини йўқотиш ва штатни янги тахрирда тасдиқлаш тавсия қилинади. Ушбу буйруқдаги бандлардан бирига раҳбар бухгалтерия ҳисобини юритиш мажбуриятларини ўз зиммасига олади деб ёзиш керак. Банкка картотчкадан бош бухгалтер имзоси намунасини чиқариб ташлаш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилганда унга ана шу буйруқ мажбуриятини илова қилиш тавсия этилади. Бунда улар янги картотчкани талаб қилишлари истисно этилмайди. Гарчи 1080-сон Йўриқномада имзонинг аввалги намунасини чиқариш чоғида янги картотчкани расмийлаштириш назарда тутилмаса-да, мазкур талабни бажариш мақсадга мувофиқдир. Бу кейинчалик имзолар билан чалкашликлардан қочиб имконини беради.

Айтайлик, раҳбарнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича ваколатларини ҳужжатли расмийлаштиришнинг барча жиҳатлари риоя этилган, бироқ банкда барибир тўлов топшириқномаси ёки картотчкани шахснинг раҳбар имзосидан фарқ қиладиган иккинчи имзосисиз қабул қилишни рад этишмоқда. Бундай ҳолда нима қилиш керак?

Биринчидан, масалани тинч йўл билан ҳал қилишга ҳаракат қилиб, юқорида кўрсатилган ҳужжатларни қабул қилишдан бўйин товланган ходимнинг раҳбари билан сўзлашинг. Бу ёрдам бермаса – банк бошқарувчисининг ҳузурига боринг. Агар у ҳам амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қоидаларига асосланган далилларга эътибор бермаса, уни кўрсатаётган «ўжарлиги» қонунга зидлиги ва сиз масалани, мисол учун, суд органларини жалб этган ҳолда ҳал қилишга мажбур бўлишингиз ҳусусида огоҳлантириш керак. Ҳар қандай ҳолда банкдан пулли ҳисоб-китоб ҳужжатини (картотчкани) қабул қилишни рад этишини асослаган ҳолда ёзма равишда тақдим этишини талаб қилиш лозим.

Иккинчидан, агар келишмовчиликларни ҳал этишга уриниш мақбул натижага олиб келмаса, эътирозни расмийлаштириш ва уни банкка юборишга тўғри келади. Уни тақдим этиш учун асос бўлган ҳолатлар сифатида пулли ҳисоб-китоб ҳужжатини (картотчкани) қабул қилишда банкнинг қонунчиликка тўғри келмайдиган рад этишини кўрсатиш лозим. Банкнинг ёзма рад этиши эътирозда баён этилган ҳолатларни тасдиқлайдиган далил бўлиб ҳисобланади. Арз қилувчининг талаблари сифатида тақдим этилган пулли ҳисоб-китоб ҳужжати (картотчка)нинг банк томонидан қабул қилиниши лозимлиги кўрсатилиши керак.

Агар банк эътирозни қаноатлантирмаса ёки белгиланган муддатда унга жавоб бермаса, масалани судда ҳал қилишга тўғри келади. Субъект ҳўжалик судига банкни ўз мажбуриятларини бажаришга мажбур этиш тўғрисида даъво аризаси билан мурожаат этишга ҳақлидир. Агар банкнинг ҳаракатлари туфайли тузилган контрактга ўз вақтида пул тўланмай, бунинг оқибатида контрагент уни беқор қилган ёки нархни ўзгартирган ва субъектга зарар етказилган бўлса, даъвода банкдан зарарлар суммасини ундириш тўғрисида ҳам баёнот бериш мумкин.

Шубҳасиз, юридик шахснинг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган ушбу даъво-эътироз ва суд механизмлари мукаммал эмас, чунки уларни амалга ошириш кўп вақт талаб қиладди. Корхона бу вақт давомида тўловларни амалга ошира олмайди. Шу сабабли бухгалтерия ҳисобини юритиш мажбуриятларини алоҳида шахсга вақтинча юклаб, унга иккинчи имзо ҳуқуқини бериш мазкур вазиятдан чиқиш йўлидир. Бу шакл банклар учун одатий ва, тегишинча, улар ушбу ҳолда субъектни ўз ҳисоб-китоб рақамини эркин тасарруф этиш ҳуқуқидан ўзбошимчалик билан чеклашга ҳақли бўлмайди.

Артём МОКШИН,
бош юрист,
«Норма» ахборот-ҳуқуқий тизими
эксперт юридик хизматининг раҳбари.

* Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида низом (МБ бошқарувининг Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 15 апрелда 1122-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган тахрирда).

** Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисида йўриқнома (МБ бошқарувининг Адлия вазирлиги томонидан 2001 йил 10 ноябрда 1080-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган тахрирда).

*** Ҳисобварақлар очиш, мижозлар ҳисобварақларига маблағ ўтказиш ва ҳисобдан чиқариш, иш ҳақи ва қонунларда назарда тутилган бошқа эҳтиёжлар учун нақд пул бериш тартиби бўйича белгиланган талабларни бузганлик учун тижорат банкларига нисбатан жазо чораларини қўллаш тартиби тўғрисида низом (МБнинг Адлия вазирлиги томонидан 2001 йил 30 июнда 1044-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган).

ТЎЛИҚ АХБОРОТ ЗАРУР



Лок-бўёқ маҳсулоти тайёрлаш учун олиб келинадиган хом ашёнинг (изоцианатлар, полимерлар), шунингдек тайёр лок-бўёқ маҳсулотининг божхона қиймати қандай?

Elnard.

– Импорт қилинадиган товарларнинг божхона қиймати «Бож тарифи тўғрисида»ги Қонун ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинадиган товарларнинг божхона қийматини белгилаш бўйича йўриқномага (Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 13 январда 390-сон билан рўйхатдан ўтказилган) мувофиқ аниқланади. Лок-бўёқ маҳсулоти ишлаб чиқариш учун импорт қилинадиган хом ашё (изоцианатлар, полимерлар) божхона қийматини белгилаш учун олиб келинадиган товарлар тўғрисида қуйидаги ахборот зарур:

- товарнинг тўлиқ номи, унинг физик тавсифлари;
- товарнинг ТИФ ТН бўйича коди;
- келиб чиқиш мамлакати;
- ишлаб чиқарувчи тўғрисидаги маълумотлар.

МЕТАЛЛ ПРОКАТИГА ТЎЛОВЛАР



Юридик шахслар томонидан Ўзбекистонга металл прокати олиб кирилганда қандай божхона тўловлари қўлланади?

К.М.

– Юридик шахслар томонидан товар импорт қилинганда ТИФ ТН кодига боғлиқ ҳолда қуйидаги божхона тўловлари қўлланади:

- Президентнинг «Экспорт-импорт операцияларини тартибга солиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарорига (2005 йил 19 сентябрь, ПҚ-183-сон) 1-илова билан белгиланган миқдорларда импорт божи;
- солиқ солинадиган айланманинг 20% миқдорида қўшилган қиймат солиғи (Солиқ кодексининг 73-моддаси);

– божхона қийматининг 0,2% миқдорида божхона расмийлаштируви учун йиғим (Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 апрелдаги «Божхона йиғимлари ставкалари тўғрисида» 204-сон қарори);

– Президентнинг «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджет параметрлари тўғрисида» қарорига (2006 йил 18 декабрь, ПҚ-532-сон) 9-2-илова билан белгиланган миқдорда акциз солиғи.

ҚИСҚИЧБАҚАСИМОНЛАРГА ҚАЙТИБ



Денгиз маҳсулотлари олиб кириладиганда божхона органига қандай ҳужжатларни тақдим этиш талаб қилинади? Тез бузилувчи маҳсулотни тезда расмийлаштириш мумкинми? Консерваларни расмийлаштириш муддати қандай? Юк ҳаво транспортида олиб келинади, жараённи тезлаштириш учун қаерга мурожаат этишим керак бўлади?

Нодир Куздеков,
Тошкент шаҳри.

– Денгиз маҳсулотлари олиб келинадиганда товарга илова қилинувчи ҳужжатлар ва шартномадан ташқари «Ўзстандарт» агентлиги томонидан бериладиган мувофиқлик сертификати, гигиена ва ветеринария сертификатлари, шунингдек белгиланган тартибда тўлдирилган божхона юк декларациясини тақдим этиш зарур.

Агар шартли чиқариш тўғрисида баёнот берган шахс божхона органига «Эр-

кин муомалага чиқариш» божхона режимида мувофиқ шартли чиқариб юборилган товарларни божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби тўғрисида низомга (ДБКнинг Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 9 сентябрда 1404-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган) 1-иловага кўра расмийлаштирилган ариза билан мурожаат қилса, тез бузилувчи, шу жумладан жон-

ли маҳсулотларни «шартли чиқариш» таомили бўйича бир неча соат мобайнида расмийлаштириш мумкин.

Мазкур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатга мувофиқ ДБК ҳудудий бошқармаси ёки ихтисослашган божхона мажмуининг бошлиғи ёхуд унинг ўрнини босадиган шахс товарларни шартли чиқариш мумкинлиги тўғрисида қарор қабул қилиб, кўриш муддати ҳужжат топширилган пайтдан бошлаб 5 кундан ошмаслиги керак бўлган аризага тегишли белги қўяди. Фақат шартли чиқариш мақсадлари кўзланганида, олиб кирилган товарлардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш устидан исталган вақтда божхона назорати ўтказиш имконияти бўлгандагина товарларни шартли чиқаришга рухсат берилади.

Консерваланган маҳсулотлар қонун билан белгиланган, БЮД топширилган пайтдан бошлаб 10 кундан ошмаслиги керак бўлган муддатларда расмийлаштирилади.

«Тошкент» аэропортига келиб тушган юкларнинг божхона расмийлаштируви «Тошкент-Аэро» ихтисослашган божхона мажмуининг ваколат доирасида ҳисобланади (навбатчи қисм тел. 120-86-30). У ИБМ бўлинмалари, бевосита «Юк сервис» (тел. 120-86-42) ва «Интер-карго сервис» (тел. 120-86-43) божхона постларида амалга оширилади.

Ўзига хос товарларни сақлаш учун «Тошкент» аэропорти омборларида музлатиш камераси мавжуд. Юкларни ташиш, сақлаш ва олишга доир барча масалалар бўйича «Тошкент» аэропортининг СОППП хизматига ёки 140-28-26 рақамли телефон бўйича мурожаат қилишингиз мақсадга мувофиқ бўлади.

Маслаҳатлар ДБК божхона тарифларини тартибга солиш ва тўловлар ҳисобини юритиш бош бошқармаси томонидан тайёрланди.

РЕКЛАМА



НАШРИЁТИДА ҚУЙИДАГИЛАР СОТУВДА МАВЖУД:



 <p>«ЭКСПОРТНО-ИМПОРТНЫЕ ОПЕРАЦИИ» (2 жилда) Муаллифлар Э.Гадов, Л.Югай</p> <p>1 жилди 5000 сўм</p>	 <p>«СБОРНИК НОРМАТИВНО-ПРАВОВЫХ АКТОВ ПО НАЛОГАМ И СБОРАМ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН» (II жилд) Масъул муҳаррир Л.Югай</p> <p>1 жилди 3000 сўм</p>	 <p>«УЧЕТ И НАЛОГООБЛОЖЕНИЕ ОСНОВНЫХ СРЕДСТВ И НЕМАТЕРИАЛЬНЫХ АКТИВОВ» Муаллифлар Э.Гадов, Н.Хасанов, Л.Югай</p> <p>3200 сўм</p>
 <p>«3000 БУХГАЛТЕРСКИХ ПРОВОДОК ПО НОВОМУ ПЛАНУ СЧЕТОВ» (2-жилда) муаллиф — Ф. Фуломова</p> <p>1 жилди 5000 сўм</p>	 <p>«ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА УНГА СОЛИҚ СОЛИШ» (Ер кодекси, ер кадастри) А.Латипов таҳририда (ўзбек ва рус тилларида)</p> <p>4000 сўм</p>	 <p>«СБОРНИК НОРМАТИВНО-ПРАВОВЫХ АКТОВ ПО БУХГАЛТЕРСКОМУ УЧЕТУ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН» (II-III жилд) Масъул муҳаррир Х.Ортиқов</p> <p>1 жилди 4000 сўм</p>
 <p>«ЛИЗИНГ: ТАН ОЛИШ, БАҲОЛАШ ВА УНИНГ ҲИСОБИ» Муаллифлар Ш.Хайдаров ва Б. (ўзбек ва рус тилларида алоҳида)</p> <p>5000 сўм</p>	 <p>«УЧЕТНАЯ ПОЛИТИКА ПРЕДПРИЯТИЯ» Муаллиф Ф.Фуломова</p> <p>3200 сўм</p>	 <p>«БУХГАЛТЕРСКИЙ УЧЕТ ПО-НОВОМУ» Муаллиф И.Завалишина</p> <p>5000 сўм</p>
 <p>«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ МИЛЛИЙ СТАНДАРТЛАРИ ТЎПЛАМИ»</p> <p>5000 сўм</p>	 <p>«САМОУЧИТЕЛЬ ПО БУХГАЛТЕРСКОМУ УЧЕТУ» Муаллиф Ф.Фуломова</p> <p>5000 сўм</p>	 <p>«КОРХОНАЛАРДА ИШ ҲАҚИ» Муаллифлар Н.Хасанов, Ш.Хайдаров, Л.Югай Китобда корхоналарда меҳнатга ҳақ тўлаш ҳисобини ёритиб берувчи масалалар кўриб чиқилган ва солиқ оқибатлари очиқ берилган (ўзбек ва рус тилларида)</p> <p>3600 сўм</p>

Буюртманомаларни қуйидаги манзилда расмийлаштиришингиз мумкин: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 22-уй. ☎ Харид масалалари бўйича 144-44-29, 132-18-80 тел./факсларига мурожаат қилинг.

УШБУ КИТОБЛАРНИ ҚУЙИДАГИ КИТОБ ДЎКОНЛАРИДАН ХАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН:

«Yuridik adabiyotlar», манзил: Тошкент ш., Сайилгоҳ кўч., 35-уй (мўлжал – Тошкент давлат юридик институти), тел.: 136-73-98, Тошкент ш., Бобур кўч., 40А. тел.: 363-55-47

«Sharq ziyokori», манзил: Тошкент ш., Бухоро кўч., 26-уй (мўлжал – Навоий номидаги ДАБТ), тел.: 133-58-72

ва унинг ҳудудий филиалларида:

- Андижон ш., А.Навоий шоҳк., 71, тел.: (374-2) 55-05-02. Бухоро ш., Иқбол кўч., 11, тел.: (365-2) 23-75-96. Самарқанд ш., Университет хиёбони 12, тел.: (366-2) 33-23-68. Жиззах ш., Ш.Рашидов кўч., (мўлжал – Оқбозор биноси), тел.: (372-2) 26-42-93. Навоий ш., Ўзбекистон кўч., 11, тел.: (436-2) 23-01-30. Қарши ш., 7-микрорайон, 9, тел.: (375-2) 27-77-00. РАММ Навоий бўлими: Навоий ш., Павлов кўч., 6-уй, тел.: (436-2) 23-25-33.

Китоб дўконлари эгалари ва сотувчиларини ҳамкорликка таклиф қиламиз.

ИНТЕРНЕТДА САЙТ ЯРАТИШ

Корхоналар ўз эътиборларини борган сари кўпроқ маркетингнинг энг истиқболли дастакларидан бири сифатида Интернет тармоғига қаратяптилар. Кўплаб корхоналар ўз web-сайтларини яратмоқдалар, уларнинг саҳифаларида корхона ҳақида, таклиф этилаётган хизматлар, товарлар, нархлар ва компаниянинг координаталари ҳақидаги маълумотларни чоп этадилар. Ҳозирги вақтда бундай амалиёт тез ривожланмоқда. Бироқ янги имкониятларни бериш билан бирга сайт энг аввало моддий харажатларни ҳам талаб қилмоқда. Сайтни яратиш, юргизиш ва унга хизмат кўрсатиш учун дастурчилар, дизайнерларга ҳақ тўлаш, домен номини рўйхатдан ўтказиш, хостингга пул керак. Бухгалтер эса буларнинг ҳаммасини тўғри баҳолаши ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириши керак.



Операцияларни тўғри акс эттириш учун бухгалтер, энг аввало, пул маблағлари қайси мақсадларда сарфланганини ва корхона уларни ўзлаштиргандан сўнг қандай натижага эга бўлишини билиши лозим. Агар корхона ўз сайтига эга бўлса, у бўйича харажатлар ва сайтнинг ўзи ҳисобда қандай акс эттирилади?

Сайт дизайнер ва дастурчиларнинг интеллектуал фаолияти натижаси бўлиб, компьютер дастури ҳисобланади. ЭХМ учун яратилган дастур – муайян натижа олиш мақсадида ЭХМ, ЭХМ шохобчалари ва бошқа компьютер воситаларининг ишлаши учун мўлжалланган маълумотлар ва кўрсатмалар мажмуидир. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майдаги «Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида» 1060-XII-сон Қонуни (кейинги ўринларда – 1060-XII-сон Қонуни) билан ана шундай таъриф берилган. Сайт ушбу таърифга тўлиқ мос келади, яъни сайт ҳам ЭХМ учун яратилган дастур ҳисобланади.

ЭХМ учун яратилган дастурлар куйидаги шартлар бажарилганда номоддий активлар деб тан олинади:

- моддий-ашёвий (физик) тузилиш (шакл)га эга бўлмаслиги;
- активлардан маҳсулот ишлаб чиқаришда, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатишда ёхуд корхонанинг маъмурий ва бошқа функциялари учун узоқ муддат, яъни давомийлиги 12 ойдан юқори фойдали хизмат муддати ёки агар у 12 ойдан ошадиган бўлса, оддий операция цикл мобайнида фойдаланиш;
- корхона ушбу активни кейинчалик қайта сотишни мўлжалламайди;
- ишончлилик, яъни корхонада актив ва унга бўлган мутлақ ҳуқуқнинг мавжудлигини тасдиқловчи, тегишли равишда расмийлаштирилган ҳужжатлар (патентлар, гувоҳномалар, бошқа муҳофаза қилувчи ҳужжатлар, патент, товар белгисидан воз кечиш (сотиб олиш) шартномаси)нинг мавжудлиги;
- корхона томонидан бошқа активлардан идентификациялаш (булиш, ажратиш) имконияти, яъни активни ундан фойдаланиладиган ҳужжалик фаолиятидан алоҳида фойдаланишнинг мумкин бўлиши.

7-сон БҲМС «Номоддий активлар»га мувофиқ номоддий актив идентификацияланадиган бўлиб ҳисобланади, агар:

- уни корхонадан ажратиб бўлса ҳамда сотиш, бериб юбориш, ижарага бериш, алоҳида ёки улар билан боғлиқ актив, контракт ёки мажбурият билан бирга айирбошлаш (гудвилдан ташқари) мумкин бўлса;
- ушбу ҳуқуқлар бериладиган ёки корхонадан ёхуд бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятлардан ажраладиган бўлишидан қатъи назар, у шартномавий ва бошқа юридик ҳуқуқлардан пайдо бўлса.

Агар ушбу мезонлар бажарилмаса, сайтни ишлаб чиқиш харажатларини жорий давр харажатлари сифатида ҳисобга олиш лозим.

Сайтни номоддий актив сифатида тан олишда белгилловчи мезон корхонада web-сайтга бўлган мутлақ ҳуқуқларнинг мавжудлиги ҳисобланади. Умумий қоидага кўра компьютер дастурига бўлган мутлақ ҳуқуқлар уни яратган шахсларга тегишли бўлади (1060-XII-сон Қонуннинг 4-моддаси). Дастурга бўлган мутлақ ҳуқуқларни муаллифдан сотиб олиш мумкин (1060-XII-сон Қонуннинг 7-моддаси). Ходимлар томонидан хизмат вазибаларни бажаришда ёки иш берувчининг топшириғига биноан яратилган web-сайтларга бўлган мутлақ ҳуқуқлар корхонага, башарти у билан муаллиф ўртасидаги шартномада ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, тегишли бўлади (1060-XII-сон Қонуннинг 8-моддаси).

Web-сайтга бўлган мутлақ ҳуқуқлар эгаси бўлиш учун ҳеч қандай рўйхатдан ўтказиш талаб этилмайди (1060-XII-сон Қонуннинг 4-моддаси 1-қисми). Бироқ хоҳиш бўлганда ушбу ҳуқуқлар рўйхатдан ўтказилиши мумкин (1060-XII-сон Қонуннинг 9-моддаси). Ушбу ҳолда компанияда унинг сайтга бўлган мутлақ ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжат мавжуд бўлади.

Шу тариқа, агар компания сайтга бўлган мутлақ ҳуқуқларни ишлаб чиқувчидан сотиб

риш билан бевосита боғлиқ бошқа харажатлар.

Корхонанинг бухгалтерия ҳисобида сайтни яратиш бўйича барча ҳақиқий харажатлар куйидаги ҳисобварақларнинг дебети бўйича акс эттирилади: 0830-«Номоддий активларни харид қилиш» – сайт чет ташкилотлар томонидан яратилганда ва 0890-«Бошқа капитал кўйилмалар» – сайт ўз кучлари билан яратилганда. Ушбу ҳисобварақларда сайтни фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар йиғилади. Сайтни очиш ҳисобда 0830 ёки 0890-ҳисобварақларнинг ёпилиши (кредит) ва 0430-«Дастурий таъминот» ҳисобварақининг очилиши (дебет) билан акс эттирилади.

Яратилган web-сайтга домен номи берилди. У ноёб, корхонанинг номи, унинг товарлари (хизматлари) ва ҳоказоларни очиб берувчи бўлиши лозим. Одатда домен номи бир

жатлар сайтни тутиб туриш бўйича жорий харажатлар сифатида тан олинади ва 9410-«Сотиш харажатлари» ҳисобварақининг дебетида (реклама харажатлари моддаси бўйича) ҳисобга олинади. Агар ушбу харажатларнинг суммаси корхона учун аҳамиятли ҳисобланса, келгуси даврлар харажатларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар орқали ҳисобдан чиқариш вариантини қўллаш мумкин.

Корхоналарнинг бошқа жорий харажатлари бўлиб сайтни web-серверда жойлаштирилганлик ва кейинчалик сайтнинг ишлаш қобилиятини техник тутиб туриш (хостинг) учун провайдер хизматларига ҳақ тўлаш билан боғлиқ бўлган харажатлар ҳисобланади. Корхоналарнинг жорий харажатларига сайт – номоддий актив бўйича ҳисоблаб ёзилган амортизация суммалари ҳам ҳисобдан чиқарилиши лозим. Уларнинг барчаси даромад (фойда) солиғини ҳисоблаб чиқаришда амалга оширилган харажатлар ҳажмида ҳисобга олинади.

1-мисол. 2007 йил январда «N» МЧЖ дастурчилари ва дизайнерлари компаниянинг ўз web-сайтини ишлаб чиқишди. Уни яратиш бўйича харажатлар 1 180 000 сўмни ташкил қилди, шу жумладан:

- дастурчилар ва дизайнерларнинг иш ҳақи – 400 000 сўм;
- бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмалар – 96 000 сўм;
- компьютерларнинг амортизацияси – 100 000 сўм;
- материаллар (дисклар, компакт-дисклар ва ш.к.) – 54 000 сўм;
- сайт дизайнини ишлаб чиққан фирма хизматлари қиймати – 500 000 сўм;
- домен номини дастлабки рўйхатдан ўтказиш харажатлари – 30 000 сўм, шу жумладан ҚҚС.

Сайтнинг бошланғич қиймати бўлиб 1 180 минг сўмдан иборат сумма тан олинади.

Сайтни интернетда жойлаштирилганлик ва кейинчалик унинг ишлаш қобилиятини техник тутиб туриш учун ҳар ойда провайдерга 46 200 сўм тўланади (шу жумладан ҚҚС – 7 700 сўм). Сайтни жойлаштириш ва тутиб туриш учун олинган ҳисобварақ-фактуралар бўйича тўланадиган ҚҚС суммаси ҳисобга олиш учун қабул қилинади (МВ ва ДСҚнинг Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 29 апрелда 1238-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқ-номанинг 37-банди).

Компаниянинг web-сайтини яратиш харажатларини акс эттириш бўйича журнал проволкалари куйидагича бўлади:

Т/р	Ҳўжаллик операцияларнинг мазмуни	Сумма, сўм	21-сон БҲМС бўйича ҳисобварақлар корреспонденцияси		Ўзуларни тасдиқловчи ҳўжаллар
			дебет	кредит	
1.	Сайтни яратишда иштираётган ходимларга иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди	400 000	0890	6710	Иш ҳақини ҳисоблаб ёзиш қайдномаси
2.	Бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмалар акс эттирилди (400 000 x 24%)	96 000	0890	6520	Иш ҳақи бўйича проволкалар журнали
3.	Сайтни яратишда фойдаланилган АВ бўйича амортизация ҳисоблаб ёзилди	100 000	0890	0250	АВ эскиришини ҳисоблаб ёзиш қайдномаси
4.	Сайтни яратишда фойдаланилган материаллар ҳисобдан чиқарилди	54 000	0890	1000	Чиким ҳужжатлари (талабнома, юкхат)
5.	Сайт дизайнини ишлаб чиққан фирманинг хизматлари акс эттирилди	500 000	0890	6010	Хизматлар кўрсатиш шартномаси, бажарилган ишлар далолатномаси, ҳисобварақ-фактура
6.	Сайт дизайнини ишлаб чиққан фирма хизматларига ҳақ тўланди	500 000	6010	5110	Банк кўчирмаси
7.	Сайтни рўйхатдан ўтказиш бўйича харажатлар ҳисобга олинди	30 000	0890	6990	Ҳисобварақ-фактура
8.	Домен номини рўйхатдан ўтказиш бўйича харажатлар тўланди	30 000	6990	5110	Банк кўчирмаси

олган бўлса ёки сайт унинг ходимлари томонидан яратилган бўлса ҳамда номоддий активларни тан олишининг қолган шартлари бажарилганда сайт номоддий активлар таркибига ҳисобга олиниши лозим.

Web-сайт корхона мутахассислари томонидан (ҳўжалик усулида) ёки буюртма бўйича чет ташкилот томонидан яратилиши мумкин.

Агар ишлаб чиқувчи сайтга бўлган мутлақ ҳуқуқларни ўзида қолдирса, буюртмачи эса ушбу сайтдан ўз фаолиятида фойдаланиш ҳуқуқинигина олса, унда буюртмачи уни ишлаб чиқиш бўйича барча харажатларни жорий давр харажатларига ҳисобдан чиқариши лозим.

САЙТ – НОМОДДИЙ АКТИВ

Агар сайт номоддий актив деб тан олинса, бухгалтер уни 7-сон БҲМСга мувофиқ бошланғич қиймати бўйича ҳисобга қабул қилиши лозим. Корхонанинг ўзи томонидан яратилган web-сайтнинг бошланғич қиймати уни ишлаб чиқиш ҳақиқий харажатлари суммаси бўйича аниқланади ва куйидагиларни ўз ичига олади:

- ижтимоий суғуртага ажратмалар билан сайтни яратиш устида ишловчи дастурчиларнинг иш ҳақи;
- сайтнинг дизайни билан шуғулланувчи фирмаларнинг хизматлари қиймати;
- сайтга бўлган мутлақ ҳуқуқни рўйхатдан ўтказиш харажатлари;
- тўланган солиқлар, шу жумладан қўшилган қиймат солиғи, башарти улар қопланмаса;
- домен номини дастлабки рўйхатдан ўтказиш харажатлари;
- сайтни яратиш ва ундан мақсадга кўра фойдаланиш учун уни яроқли ҳолатга келти-

ЎЗБЕКИСТОН ЯНГИЛИКЛАР

ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ**
 - «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».
- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ:**
 - «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 6 апрелдаги ПҚ-616-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»;
 - «Меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элларга кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳисобга олишни такомиллаштириш тўғрисида»;
 - «Вазирлар Маҳкамасининг «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида» 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида» 2007 йил 4 апрелдаги ПҚ-615-сон қарори)»;
 - «Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ва айримларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2007 йил 14 мартдаги ПФ-3860-сон Фармони)».
- **ИДОРАВИЙ-МЕЪЕРИЙ ХУЖЖАТ**
 - ЎзР МВ, Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг «Давлат улушларини бошқариш бўйича тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА 2010 ЙИЛГАЧА БЎЛГАН ДАВРДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 21-сон, 213-модда)

Таъкидлансинки, «Хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини 2006-2010 йилларда ривожлантириш дастури»ни амалга ошириш натижасида 2006 йилда аҳолига кўрсатилган пулли хизматлар ҳажми 19,3 фоиз ўсди, республикада ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулотнинг 39,5 фоизи хизмат кўрсатиш соҳасига тўғри келди, бу эса дастурда белгиланган прогноз кўрсаткичларидан анча кўп. Хизматларнинг замонавий, илғор турлари — телекоммуникация хизматлари, уяли телефон алоқаси, молия-банк хизматлари ва суғурта, сайёҳлик-экскурсия ва бошқалар жадал суръатда ривожланмоқда. 2006 йилда хизматлар кўрсатиш соҳасида 137 мингга яқин янги иш ўрни ташкил этилди.

Айни пайтда мавжуд салоҳият ҳамда хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал суръатда ривожлантириш имкониятлари ҳали тўлиқ ишга солингани йўқ. Мамлакат ҳудудлари бўйича олганда аҳолига хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатида сезиларли фарқ бор. Қишлоқ аҳолисига хизматлар кўрсатиш тизими ҳам ўсиб бораётган талабларга жавоб бермаяпти.

Хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш даражасини янада ошириш, аҳолига янги замонавий ва сифатли хизмат турлари кўрсатиш, иқтисодий ўсишни таъминлаш ва аҳоли, биринчи навбатда, қишлоқ жойларида бандлик масаласини ҳал этишда хизматлар кўрсатиш соҳасининг ролини кучайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмаларининг 2006 йилда

хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга доир амалда эришилган кўрсаткичларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги ПҚ-325-сонли қарори билан тасдиқланган «Хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини 2006-2010 йилларда ривожлантириш дастури»нинг асосий параметрлари ва тадбирларига ўзгартиш ва тузатишлар киритиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Куйидагилар:

Ўзбекистон Республикасида 2007-2010 йилларда хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг янгиланган асосий параметрлари, 1-иловага* мувофиқ;

2007-2010 йилларда республика ҳудудларида хизматларнинг асосий турларини ривожлантиришнинг мақсадли параметрлари, 2-11-иловаларга* мувофиқ;

«Хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини 2007-2010 йилларда ривожлантириш дастури»нинг мавжуд эҳтиёжни ҳисобга олиб аниқлаштирилган ва тўлдирилган асосий йўналишлари ва тадбирлари, 12-иловага* мувофиқ маъқуллансин.

2. Вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари:

бир ҳафта муддатда 2007-2010 йиллар учун тузатилган асосий йўналишлар ва тадбирларни ҳисобга олиб, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш тармоқ ва ҳудудий дастурларига тегишли ўзгартишлар киритсин;

хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ҳудудий ва тармоқ дастурлари бажарилиши устидан доимий мониторинг ўрнатсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги,

*1-2-иловалар берилмайди.

Хизматлар лицензияланган

КАПИТАЛБАНК 132 - 07 - 03

Бир мақсадга интилиб

Муваффақиятга эришамиз

Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Марказий банкининг 2007-2010 йилларда хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун ажратилаётган имтиёзли кредитларнинг ҳажмини Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси ва «Микрокредитбанк» тижорат банки маблағлари ҳисобидан ошириш тўғрисидаги таклифи 13-иловага* мувофиқ маъқуллансин.

Белгилаб қўйилсинки:

ажратилаётган кредит ресурслари хизмат кўрсатиш бўйича янги ташкил этилаётган корхоналарни фақат технологик жиҳозлаш мақсадларига йўналтирилади;

кредит ресурсларини олишда қишлоқ жойларида хизматлар кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга ошираётган тадбиркорлик субъектларига устувор ҳуқуқ берилади.

4. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг қишлоқ жойларида телекоммуникация операторлари ускуналари асосланган ва кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан хизмат кўрсатиладиган ахборот-сервис инфратузилмасини яратиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Қишлоқ жойларида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан алоқа ва ахборотлаштириш тизимининг телекоммуникация соҳасида фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялар учун олинган давлат божлари ҳажми қисқартирилсин ва 14-иловага* мувофиқ белгилансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

«Хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини 2007-2010 йилларда ривожлантириш дастури»нинг ижроси устидан тизимли мониторинг олиб борсин ва унинг ижроси натижаларини чорак, ярим йиллик ва йиллик якуний мажлисларда кўриб чиқсин;

дастурнинг амалга оширилиши натижаларини чуқур ва танқидий таҳлил қилиш асосида ҳар йили унинг асосий параметрлари ва тадбирларига кейинги йил учун хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш, мамлакат иқтисодиётида унинг улушини оширишга қаратилган тузатишлар киритиб борсин.

6. Қонунчиликка мувофиқ, кичик бизнес субъектларига хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасида кенг солиқ имтиёзлари ва преференциялар берилгани маълумот учун қабул қилинсин.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги

***13-14-иловалар берилмайди.**

ПҚ-325-сон «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида белгиланган солиқ имтиёзларига амал қилиш муддати 2010 йилнинг 31 декабригача узайтирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги ПҚ-325-сон қарорининг 7-бандида кўзда тутилган солиқ имтиёзлари санаторийлар, ахборот-ресурс марказлари, болалар соғломлаштириш муассасалари, ахборот-кутубхона марказлари, шунингдек, суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари хизматларига ҳам татбиқ этилсин.

7. 2007 йилнинг 1 январидан статистика ишлари амалиётига халқаро стандартларга мувофиқ ишлаб чиқилган фаолият турлари бўйича Янги Умумдавлат хизматлар таснифлагичи жорий этилгани эътиборга олинсин.

Ўзбекистон Республикаси Статистика давлат қўмитаси, вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари ҳудудий иқтисодиёт ҳамда статистика органлари билан биргаликда ҳисобга олиш ва ҳисобдорликни ташкил этишни такомиллаштириш, статистика ҳисоботларида кичик бизнес субъектлари томонидан кўрсатилаётган хизматлар ҳажмини акс эттирган ҳолда, тасдиқланган таснифловчига мувофиқ хизматларни ҳисобга олишнинг статистика стандартларига қатъий амал қилишга доир чора-тадбирларни амалга оширсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги ПҚ-325-сон «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 1-3-иловалари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва бошқа манфаатдор вазирлик ҳамда идоралар билан ҳамкорликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига қонунчиликка ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклиф киритсин.

10. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ.**

Тошкент ш.,
2007 йил 21 май
ПҚ-640-сон.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ОШИРИШ ҲАМДА МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА» 2007 ЙИЛ 6 АПРЕЛДАГИ ПҚ-616-СОН ҚАРОРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ҲАҚИДА

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 19-20-сон, 195-модда) -

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 6 апрелдаги ПҚ-616-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тўғрисидаги низом 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги бир ой муддатда:

Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари тўғрисидаги низомларни ҳамда туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш маркази тўғрисидаги намунавий низомни белгиланган тартибда тасдиқласин;

қишлоқ туманлари ҳокимликлари билан биргаликда йирик қишлоқ фуқаролари йиғинларида (маҳаллаларда) аҳолини ишга жойлаштириш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича турғун пунктларнинг жойлаштирилишини белгиласин;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Меҳнатни нормалаштириш ва муҳофаза қилиш маркази ҳамда Ўзбекистон меҳнат, иш билан таъминлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муаммоларини ўрганиш республика маркази негизида Республика аҳоли бандлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш илмий марказини ташкил этсин ва унинг тўғрисидаги низомни белгиланган тартибда тасдиқласин.

3. Белгилансинки:

Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган фаолиятдан олинган бошқа даромадлар Бандликка кўмаклашувчи туман (шаҳар) марказларини молиялаштириш манбалари ҳисобланади;

Бандликка кўмаклашувчи туман (шаҳар) марказларининг ходимларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 30 сентябрдаги 459-сон қарори-га 9а, 10а, 11а ва 12а-иловаларда назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари татбиқ этилади.

4. Бухоро вилоятининг Когон туманидаги, Навоий вилоятининг Кармана туманидаги, Тошкент вилоятининг Янгийўл туманидаги ва Андижон вилоятининг Хонобод шаҳридаги меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимлари тугатилсин, уларнинг функциялари тегишли равишда Бухоро вилоятининг Когон шаҳар, Навоий вилоятининг Навоий шаҳар, Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳар ва Андижон вилоятининг Қўрғон-

тепа тумани Бандликка кўмаклашиш марказларига берилсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари:

бир ой муддатда иш ўринлари ташкил этиш дастурлари параметрларига ўзгартиришлар киритсинлар, уларда саноат ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари, биринчи навбатда, транспорт, алоқа, қурилиш ва қурилиш индустрияси йирик корхоналарида, шунингдек кичик саноат корхоналарида касаначиликни ривожлантиришни назарда тутсинлар;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 6 апрелдаги ПК-616-сон қарори билан тасдиқланган Аҳоли бандлигини кенгайтириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари дастури топшириқларининг бажарилишини йилнинг ҳар чорагида кўриб чиқсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага* мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин, шунингдек баъзилари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.МИРЗИЁЕВ.

Тошкент ш.,
2007 йил 8 май
95-сон.

***1-2-иловалар «Норма маслаҳатчи»да чоп этилмади.
Улар билан «Норма» АХТда танишиш мумкин.**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**

**МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН ЧЕТ ЭЛЛАРГА КЕТАЁТГАН
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА**

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 19-20-сон, 197-модда)

Меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун чет элларга кетаётган шахсларни ҳисобга олишни такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари мамлакатимиз ташқарисиди бўлган даврда уларнинг муҳофазасини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Меҳнат фаолиятини ва тадбиркорликни амалга ошириш учун чет элларга кетаётган шахслар сонини ҳисоблаб чиқариш бўйича интеграциялашган ахборотларни тайёрлаш ва тақдим этиш модули схемаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси чет элларга кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сони ва мақсади тўғрисидаги ҳар чораклик статистика ҳисоботи юритилишини таъминласинлар.

Бунда Божхона декларациясининг такомиллаштирилган шакли чет элларга кетаётган фуқароларнинг сони ва мақсади тўғрисидаги ахборот манбаи ҳисобланиши назарда тутилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Давлат статистика қўмитаси билан келишган ҳолда Божхона декларациясининг такомиллаштирилган шаклини ва уни тўлдириш ҳамда расмийлаштириш тартибини тасдиқласин ва 2007 йил 1 июлдан амалга киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Давлат статистика қўмитаси ҳамда Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда: жорий йилнинг 1 июлигача бўлган муддатда меҳнат эмиграциясини ҳар чоракда ўрганиш бўйича саволнома ишлаб чиқсин ва уни 2007 йилнинг учинчи чорагидан бошлаб уй хўжаликларини аҳоли бандлиги масалалари бўйича

ўрганиш дастурига белгиланган тартибда киритсин; жорий йилдан бошлаб ҳар йили, маълумотларнинг республика, минтақа ва туман даражаларида мувофиқлигини таъминлаган ҳолда, Ўзбекистон фуқароларининг меҳнат эмиграцияси масалалари бўйича чуқурлаштирилган махсус социологик ўрганишлар ўтказсин.

Меҳнат эмиграцияси масалалари бўйича ўрганишларни ўтказиш харажатларини молиялаштириш Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобига амалга оширилиши назарда тутилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг чет эллардаги консуллик муассасалари орқали меҳнат фаолиятини ва тадбиркорликни амалга ошириш муносабати билан чет элларда бўлиб турган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг мониторингини олиб борсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда фуқароларга чет элларда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун рухсатномалар бериш тартиботларини соддалаштириш юзасидан икки ой муддатда таклифлар киритсинлар, уларда кўрсатиб ўтилган рухсатномани олиш учун тўлов миқдорини анча камайтиришни ва уни олиш тартибини назарда тутсинлар.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.МИРЗИЁЕВ.

Тошкент ш.,
2007 йил 15 май
97-сон.

**МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИНИ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН
ЧЕТ ЭЛЛАРГА КЕТАЁТГАН ШАХСЛАР СОНИНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИШ БЎЙИЧА
ИНТЕГРАЦИЯЛАШГАН АХБОРОТЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ВА
ТАҚДИМ ЭТИШ МОДУЛИ СХЕМАСИ**

Т/р	Ахборот тақдим этувчи вазирлик, идора	Ахборот олиш манбаи	Ахборот мазмуни	Тақдим этишнинг муддати ва даврийлиги	Қаерга тақдим этилади
1.	Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги	Уй хўжаликларини аҳоли бандлиги масалалари бўйича ҳар чоракда ўрганиш.	Чет элларда меҳнат ёки тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган шахсларнинг ҳудудлар, ёши, жинси ва кетган мамлакатлари бўйича сони.	Ҳар чоракда, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 20-кунигача.	Давлат статистика кўмитаси
		Меҳнат эмиграцияси масалалари бўйича ҳар йиллик чуқурлаштирилган махсус социологик ўрганишлар.	Худудлар бўйича меҳнат эмиграцияси омиллари, сабаблари, асослари, йўналишлари ва шакллари. Меҳнат мигрантлари меҳнат фаолиятини амалга ошириш шароитлари.	Ҳар йили, 15 декабр гача.	Давлат статистика кўмитаси
2.	Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги	Чет элларда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун берилган рухсатномалар.	Чет элларда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун берилган рухсатномаларнинг ҳудудлар ва кетган мамлакатлар бўйича сони.	Ҳар чоракда, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 20-кунигача.	Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Давлат статистика кўмитаси
3.	Давлат божхона кўмитаси	Божхона декларациясининг такомиллаштирилган шакли.	Божхона пунктлари орқали ўтган шахслар — Ўзбекистон Республикаси резидентлари, уларнинг кетиш мақсадлари, ҳудудлар, ёши, жинси ва кетган мамлакатлари бўйича сони кўрсатилади.	Ҳар чоракда, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 20-кунигача.	Давлат статистика кўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги
4.	Ташқи ишлар вазирлиги	Чет эллардаги консуллик муассасаларидан ахборотлар.	Борган мамлакатда меҳнат ёки тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган консуллик муассасаларида ҳисобда турган шахслар сони тўғрисидаги маълумотлар.	Ҳар чоракда, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 20-кунигача.	Давлат статистика кўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги
			Ўзбекистон Республикасининг чет элларда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқаролари сони тўғрисида борилган мамлакат ваколатли органлари тақдим этадиган маълумотлар.	Ташқи ишлар вазирлиги орқали эришилган келишувларга мувофиқ.	Давлат статистика кўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги
5.	Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Давлат статистика кўмитаси билан биргаликда	Интеграциялашган ахборотлар.	Чет элларга меҳнат фаолиятини ва тадбиркорликни амалга ошириш учун кетаётган шахсларни ҳисобга олиш бўйича йиғма таҳлилий ахборотлар.	Ҳар чоракда, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 30 (31)-кунигача.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ «АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА АУДИТОРЛИК ТЕКШИРИШЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИНИ
ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА» 2000 ЙИЛ 22 СЕНТЯБРДАГИ
365-СОН ҚАРОРИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА
(ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «АУДИТОРЛИК
ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ҲАМДА УЛАР
КЎРСАТАЁТГАН ХИЗМАТЛАР СИФАТИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИ
ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА» 2007 ЙИЛ 4 АПРЕЛДАГИ ПҚ-615-СОН ҚАРОРИ)**

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 19-20-сон, 199-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида» 2007 йил 4 апрелдаги ПҚ-615-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида» 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000

й., 9-сон, 62-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири
Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,
2007 йил 17 май
99-сон.

Вазирлар Маҳкамасининг
2007 йил 17 майдаги 99-сон қарорига
ИЛОВА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
«АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА АУДИТОРЛИК
ТЕКШИРИШЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА» 2000 ЙИЛ 22 СЕНТЯБРДАГИ
365-СОН ҚАРОРИГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР**

1. 5-банд чиқариб ташлансин.
2. Мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишидан бўйин товлаганлиги учун хўжалик юритувчи субъектлардан жарима ундириш тартиби тўғрисида низомда (2-илова):

а) 5-бандда:
иккинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:
«Қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишидан бўйин товлаш хўжалик субъектининг мансабдор шахсига нисбатан маъмурий жазо қўлланишига олиб келади. Хўжалик субъектининг мансабдор шахсига нисбатан маъмурий жазо қўллангандан кейин календарь йил охиригача мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишидан бўйин товлаш хўжалик субъектидан ушбу Низомнинг 7-бандида назарда тутилган миқдорда жарима ундирилишига олиб келади. Бунда мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишидан бўйин товланган тақдирда хўжалик субъектига жарима суд тартибда солинади, хўжалик субъекти содир этилган ҳуқуқбузарликда айбини тан олган ҳамда жаримани ихтиёрий равишда тўлаган тақдирда эса — жарима солини; органи томонидан солинади»;

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;
б) 6-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:
«6. Жарима қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ундирилади. Бунда хўжалик субъектининг охириги ҳисобот санасидаги жорий активларининг йигирма фоиздан ортиқ бўлган ялпи жарима хўжалик субъектига жарима солиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб ундириладиган суммани олти ой мобайнида ҳар ойда бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқи берилган ҳолда ундириб олинади»;

в) 7-банддаги жадвалнинг «Жарима миқдори» устунидаги «100 баравари», «300 баравари» ва «500 баравари» сўзлари тегишли равишда «50 баравари», «75 баравари» ва «100 баравари» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун ауди-

торлик ташкилотларига лицензия бериш тартиби тўғрисида низомда (3-илова):

а) 2-бандга қуйидаги мазмундаги учинчи — олтинчи хатбоши қўшилсин:

«Аудиторлик ташкилотининг аризасига кўра лицензия аудиторлик текширувларининг қуйидаги турларини амалга ошириш учун берилади:

фақат ўз ташаббусига кўра аудиторлик текширувларини амалга оширишга;

хўжалик субъектларини ўз ташаббусига кўра ва мажбурий аудиторлик текширувларини амалга оширишга, устав капитали 500 млн сўмдан ортиқ бўлган очиқ акциядорлик жамиятлари, банклар ва суғурта ташкилотлари бундан мустасно;

барча хўжалик юритувчи субъектларни аудиторлик текширувларини амалга оширишга»;

б) 4-банднинг учинчи ва тўртинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«штатдаги аудиторларнинг, шу жумладан бухгалтерлик халқаро сертификатига эга бўлган аудиторларнинг, уларнинг ушбу Низомда белгиланган энг кам сонига мувофиқ бўлган штатдаги аудитор малака сертификатлари ҳамда бухгалтер халқаро сертификатларининг тасдиқланган нусхалари;

аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензиянинг тегишли тури учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган миқдордаги устав капиталининг тўлиқ шакллантирилганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси»;

в) 10-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«10. Лицензиянинг асл нусхаси реестрга имзо қўйдирган ҳолда аудиторлик ташкилоти раҳбарига ёхуд бошқа шахсга белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома асосида берилади. Лицензия нусхаси лицензияловчи органда белгиланган тартибда сақланади»;

г) 23-банднинг иккинчи хатбошидаги «ёки яроқсиз ҳолга келиб қолган» сўзлари чиқариб ташлансин;

д) 26-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«26. Куйидагилар аудиторлик фаолиятини амалга оширишда лицензия талаблари ва шартлари ҳисобланади:

«Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига, Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари, шунингдек бошқа қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

лицензия олинаётганда мазкур Низомда назарда тутилган миқдорда тўлиқ шакллантирилган устав капиталига эга бўлиш;

фақат аудиторлик фаолиятини амалга ошириш;

фуқаролик масъулиятини суғурта қилиш полисига эга бўлиш;

аудитор томонидан аудиторлик фаолиятини фақат битта аудиторлик ташкилотда амалга ошириш;

штатда аудиторлар сонининг мазкур Низомда назарда тутилган миқдорда бўлиши;

лицензия турига мувофиқ штатдаги аудиторларда халқаро бухгалтер сертификатининг бўлиши;

аудиторлик текшируви ўтказиш чоғида олинган ахборотнинг сир сақланишини таъминлаш;

аудиторлик текширувлари ўтказиш бўйича шартнома мажбуриятларини ўз вақтида ва сифатли бажариш;

аудиторлик ташкилоти раҳбари лавозимида фақат аудиторни тайинлаш;

аудиторлик ташкилоти раҳбарининг уч йилда бир марта лицензияловчи органда аттестациядан ўтиши;

аудиторлик фаолиятини амалга ошириш чоғида мустақилликни таъминлаш;

ишончли аудиторлик ҳисоботи тузиш ва аудиторлик хулосаси бериш;

аудиторлик ташкилотларида аудиторлар иш сифатининг ички стандартлари мавжудлиги;

ўз почта манзили ўзгаргани тўғрисида 10 кун муддатда лицензияловчи органни хабардор қилиш;

аудиторлик фаолияти тўғрисидаги маълумотларни ярим йилда бир марта белгиланган шаклда лицензияловчи органга тақдим этиш, шунингдек аудиторлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бошқа ахборотларни лицензияловчи орган талаби бўйича тақдим этиш»;

е) куйидаги мазмундаги 26-1-банд кўшилсин:

«26-1. Куйидагилар:

фақат ташаббускорлик асосида аудиторлик текширувларини амалга оширувчи аудиторлик ташкилотлари энг кам ойлик иш ҳақининг 1500 баравари миқдоридан кам бўлмаган устав капиталига ва штатида камида 2 нафар аудиторга эга бўлиши;

устав капитали 500 млн сўмдан кўпроқни ташкил этган очик акциядорлик жамиятлари, банклар ва суғурта ташкилотларидан ташқари хўжалик юритувчи субъект-

ларда ташаббускорлик асосида ва мажбурий аудиторлик текширувларини амалга оширувчи аудиторлик ташкилотлари энг кам ойлик иш ҳақининг 3000 баравари миқдоридан кам бўлмаган устав капиталига ва штатида камида 4 нафар аудиторга, уларнинг камида биттаси бухгалтер халқаро сертификатига эга бўлиши;

барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувларини ўтказувчи аудиторлик ташкилотлари энг кам ойлик иш ҳақининг 5000 минг баравари миқдоридан кам бўлмаган устав капиталига ва штатида камида 6 нафар аудиторга, уларнинг иккитаси бухгалтер халқаро сертификатига эга бўлиши керак»;

ж) 27-бандга куйидаги мазмундаги хатбоши кўшилсин:

«Лицензияловчи орган томонидан аудиторлик ташкилотларининг лицензия талаблари ва шартларига риоя қилишини текшириш ҳар уч йилда камида бир марта амалга оширилади»;

з) 34-бандга куйидаги мазмундаги олтинчи-саккизинчи хатбоши кўшилсин:

«аудиторлик текширувларни ўтказишда қонун ҳужжатларида назарда тутилган чекланишларга риоя қилмаслик;

аудиторлик фаолиятини амалга оширишда фуқаролик масъулияти суғурта полисининг йўқлиги;

лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини лицензияловчи органнинг текширувларидан бўйин товлаш»;

и) 35-бандда:

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

бешинчи ва олтинчи хатбоши тегишли равишда тўртинчи ва бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

бешинчи хатбошидаги «учинчи ва тўртинчи хатбошида назарда тутилган ҳолларда» сўзлари «учинчи хатбошида назарда тутилган ҳолда» сўзлари билан алмаштирилсин;

к) 1-илованинг номи куйидаги тахрирда баён қилинсин: « _____ ни ўтказиш бўйича

(аудиторлик текширувининг тури)

аудиторлик фаолиятини амалга оширишга лицензия олиш учун ариза»;

л) 2-иловада:

«(почта манзили, солиқ тўловчининг идентификация рақами ва аудиторлик ташкилотининг бошқа реквизитлари)» сўзлари «(аудиторлик ташкилотининг почта манзили, солиқ тўловчининг идентификация рақами)» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Ўзбекистон Республикаси ҳудудида» сўзларидан кейин « _____ ни

(аудиторлик текширувининг тури)

ўтказиш бўйича» сўзлари кўшилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА
ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ВА АЙРИМЛАРИНИ ЎЗ КУЧИНИ ЙЎҚОТГАН ДЕБ
ҲИСОБЛАШ ТЎҒРИСИДА (ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
«ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ, ТЕХНИК ВА ТЕХНОЛОГИК ҚАЙТА
ЖИҲОЗЛАШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР
ТЎҒРИСИДА» 2007 ЙИЛ 14 МАРТДАГИ ПФ-3860-СОН ФАРМОНИ)**

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 19-20-сон, 202-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2007 йил 14 мартдаги ПФ-3860-сон Фармонида мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

2. Куйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 16 сентябрдаги 447-ф-сон фармойиши;

Вазирлар Маҳкамасининг «Бож-тариф билан тартибга солишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 7 январдаги 4-сон қарорига 2-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари

Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири
Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,
2007 йил 17 май
102-сон.

Вазирлар Маҳкамасининг
2007 йил 17 майдаги 102-сон қарорига
ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо фаолиятини эркинлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1998 йил 31 мартдаги 137-сон қарори 5-бандининг тўққизинчи хатбоши куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхат бўйича янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, ишлаб турган ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш ва техника билан қайта жиҳозлаш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинадиган технология жиҳозлари ҳамда бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар, агар уларни етказиб бериш технология жиҳозлари етказиб бериш учун тузилган контракт шартларида назарда тутилган бўлса, божхона божи тўлашдан озод қилинсин».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «2001 йилда асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2000 йил 26 декабрдаги 500-сон қарорининг 10-банди куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«10. Белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхат бўйича янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, ишлаб турган ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш ва техника билан қайта жиҳозлаш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинадиган технология жиҳозлари ҳамда бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар, агар уларни етказиб бериш технология жиҳозлари етказиб бериш учун тузилган контракт шартларида назарда тутилган бўлса, божхона божи тўлашдан озод қилинсин».

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Бож-тариф билан тартибга солишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 7 январдаги 4-сон қарорининг 2-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 1-сон, 1-модда) куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2. Юридик шахслар томонидан ўз эҳтиёжлари учун четдан келтириладиган, шунингдек вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмаларининг ташқи савдо компаниялари (бирлашмалари), «Ўзинтеримпекс», «Ўзмарказимпекс», «Ўзсаноатмашимпекс», «Марказсаноатэкспорт»

давлат-акциядорлик ташқи савдо компаниялари ҳамда лизинг компаниялари орқали белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ четдан келтириладиган технология жиҳозлари ҳамда бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмларга импорт бож пошлина ставкаси, агар уларни етказиб бериш технология жиҳозлари етказиб бериш учун тузилган контракт шартларида назарда тутилган бўлса, 2004 йил 1 январдан бошлаб ноль фоиз миқдорда белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси ўз эҳтиёжлари учун четдан келтирилган технология жиҳозларидан белгиланган мақсадда фойдаланилиши устидан қатъий назорат ўрнатсинлар. Четдан келтирилган технология жиҳозлари (технология жиҳозлари етказиб беришга тузилган контракт шартларига мувофиқ четдан келтирилган бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар)дан белгиланган мақсадда фойдаланилмаган, шунингдек импорт қилинган вақтдан бошлаб уч йил мобайнида сотилган ва текин берилган тақдирда уларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган импорт бож пошлиналари ставкалари татбиқ этилади».

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 22 июлдаги 349-сон қарорининг 5-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 7-сон, 73-модда) куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«5. Синов лабораторияларига эга бўлган корхоналар белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ лабораторияда текшириш ва тест синовидан ўтказишда фойдаланиладиган технология жиҳозлари, шунингдек бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмларни четдан келтиришда, агар уларни етказиб бериш технология жиҳозлари етказиб бериш учун тузилган контракт шартларида назарда тутилган бўлса, божхона тўловларидан, шу жумладан қўшилган қиймат солиғидан озод қилинсин (божхонада расмийлаштириш йиғимлари бундан мустасно)».

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ,
ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНинг
ҚАРОРИ**

ДАВЛАТ УЛУШЛАРИНИ БОШҚАРИШ БЎЙИЧА ТЎЛОВЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА*

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
7 майда 1262-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.**

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 19-20-сон, 204-модда)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг самарали бошқарилишини ва давлат мулкининг зарур «Устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг даражада ҳисобга олинишини таъминлаш чора-тадбир-

*2007 йил 17 майдан кучга киради.

лари тўғрисида» 2006 йил 16 октябрдаги 215-сонли қарорига мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 42-сон, 417-модда) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2003 йил 16 июлдаги 86, 01/06-7-сонли қарори билан тасдиқланган «Давлат улушларини бошқариш бўйича тўловларни

амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом»га (2003 йил 1 август, рўйхат рақами 1262 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2003 й., 15-сон; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 15-сон, 180-модда; 2006 й., 8-сон, 56-модда) иловага* мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киригилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

Молия вазири
Р.АЗИМОВ
37-сон

Давлат мулкни бошқариш
давлат қўмитаси раиси
Д.МУСАЕВ
01/12-18/08-сон

Тошкент ш., 2007 йил 6 апрель.

ПРИЛОЖЕНИЕ
к постановлению Министерства финансов и Госкомимущества
от 6 апреля 2007 года №№ 37, 01/12-18/08

**ИЗМЕНЕНИЯ И ДОПОЛНЕНИЯ, ВНОСИМЫЕ В ПОЛОЖЕНИЕ
О ПОРЯДКЕ ОПЛАТЫ УСЛУГ ПО УПРАВЛЕНИЮ
ГОСУДАРСТВЕННЫМИ ДОЛЯМИ**

1. В преамбуле:
в абзаце первом:
слова «профессиональных управляющих компаний (далее — управляющая компания), государственных поверенных и доверительных управляющих в хозяйствующих субъектах» заменить словами «доверительных управляющих в хозяйственных обществах»;

в абзацах втором и третьем слова «хозяйствующие субъекты» заменить словами «хозяйственные общества».

2. Из абзаца шестого пункта 1, абзацев первого и второго пункта 2, пунктов 3, 4, 5 и 6, абзацев первого, второго и девятого пункта 7, пункта 7-1, абзацев первого, второго и четвертого пункта 7-2, пунктов 8 и 8-3, абзацев первого и второго пункта 8-4, пункта 12 слова «управляющим компаниям, государственным поверенным и», «управляющих компаний, государственных поверенных и», «Управляющие компании, государственные поверенные и», «управляющих компаний, государственных поверенных», «управляющей компанией, государственным поверенным», «государственных поверенных», и «управляющих компаний», «и управляющих компаний», «государственными поверенными», и «и управляющими компаниями», «государственных поверенных, управляющих компаний и», «государственного поверенного, управляющей компании и» исключить.

3. В пункте 1:
в абзаце втором слово «акционерных» заменить словом «хозяйственных»;

абзац четвертый изложить в следующей редакции:
«доверительный управляющий» — государственные поверенные, назначаемые в установленном законодательством порядке, или управляющие компании, имеющие соответствующие лицензии, а также в предусмотренных

законодательством случаях, органы государственного и хозяйственного управления»;

в абзаце восьмом слова «хозяйствующих субъектов» заменить словами «хозяйственных обществ».

4. Абзац второй пункта 2 после слов «по государственным пакетам акций» дополнить словом «(долям)».

5. В пункте 8-1:
из абзаца первого слова «и доверительных управляющих (юридических лиц)» исключить;
из абзаца второго слова «и доверительных управляющих (физических лиц)» исключить.

6. В пункте 8-2:
из абзаца второго слова «и доверительным управляющим (физическим лицам)» исключить;
из абзаца третьего слова «и доверительным управляющим (юридическим лицам)» исключить.

7. Пункт 9 после слова «Госкомимуществом» дополнить словами «по согласованию с Министерством финансов Республики Узбекистан».

8. Пункт 13 изложить в следующей редакции:
«13. Доверительные управляющие могут, помимо выплат из средств, предусмотренных данным Положением, получать дополнительные вознаграждения от хозяйственных обществ, в которых они являются членами наблюдательных советов. Размеры вознаграждений определяются внутренними документами хозяйственных обществ.»

9. Из наименования приложения № 1 слова «государственным поверенным и» исключить.

10. Из наименования приложения № 2 слова «и доверительным управляющим — физическим лицам» исключить.

11. Из наименования приложения № 3 слова «и доверительным управляющим — юридическим лицам» исключить.

*Илова рус тилида берилди.



БИЗ ЯШАЙДИГАН УЙ

Мавзувий нашр

МУНДАРИЖА:

Алло!
Менда савол бор...

Энди аниқ бўлди

Бизга бадал
белгилашди...

Хаёт яхшироқ бўлади,
Хаёт кувончлироқ бўлади

Россияча ўз-ўзини
бошқариш

Бевосита мулоқот

АЛЛО! МЕНДА САВОЛ БОР...

Пойтахт аҳли ва республиканинг бошқа минтақаларида яшовчи фуқаролар бевосита телефон мулоқоти пайтида уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш билан боғлиқ муаммоларни қандай ҳал қилиш хусусида мутахассисларнинг маслаҳатларини олдилар. Бевосита телефон мулоқотини «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг ахборот хизмати мутахассислари «Солиқ ва божхона хабарлари», «Норма маслаҳатчи» ва «Менинг мулким» газеталари кўмагида ташкил этишди.

Агентлик ҳузурида ишлаб турган «Ўзкоммунўқувташкилотчи» маркази директорининг ўринбосари Қурбон МАГОМЕДОВ ва шу идоранинг матбуот котибаси Наталья ВИШНЕВСКАЯ икки соат давомида вужудга келган муаммоларни қандай қилиб мустақил ҳал қилиш тўғрисида телефон орқали маслаҳат беришди.

Бевосита телефон мулоқоти маслаҳатлар билан ёрдам беради. Шу сабабли телефон орқали мулоқот фуқароларни кўп қаватли уйдаги умумий мулкни асраш билан боғлиқ муаммоларни фуқаролар мустақил равишда ҳал қилишларини кучайтиришга қаратилган. Бу гоё «Бизнинг уйимиз – уни ўзимиз асраймиз» шиорида белгиланган.

Квартираларнинг эгалари уй-жойнинг хўжайини – мулкдор бўлганларидан сўнг умумий мулкни асраш ташвишини давлат зиммасидан ўз зиммаларига олдилар. Шу боис ўз уйларидаги муаммоларини ўзлари ҳал қилишлари, ҳомийларни қидиришлари, қўшнилари билан умумий тил топишлари, аҳил ва фаол бўлишлари лозим. Буни қандай қилиш кераклигига «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонун (бундан кейин – Қонун) жавоб беради.

Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари (ХУМШ) бир маромда ривожланишига



Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.

◀ халақит бераётган муаммоларнинг асосий сабаби уй-жой мулкдорларининг ўз ҳуқуқлари ва бурчлари тўғрисида ҳуқуқий хабарсизлигидир. Ширкатларда тасодифий кишилар раҳбарлик лавозимига ўтиб олиши, уларнинг квартира эгалари манфаатларини менсимаслиги, мулкдорлар уйдаги умумий мулкни бошқаришни нимадан бошлашни билмасликлари ана шу ҳуқуқий саводсизликнинг оқибатидир. Тушган саволларни умумлаштириб, энг кўп ташвишга солаётган ва кўп учрайдиган саволларга жавоб берамиз.

ТАРИФ ЮҚОРИ – ХИЗМАТЛАР КАМ



«Бизнинг «Жўрабек-Коммуналчи» ширкатимиз 2006 йилда 5 та ХУМШга ажралди, уларнинг ҳар бири 3-4 уйга хизмат қилмоқда. Бизнинг ширкатимизда бадаллар миқдори бирданига икки баравар кўпайди. Кейин янада ошди. Ҳар уч ойда ўртача минг сўмга ошмоқда. Бу ҳақда бизга ҳеч ким хабар қилмайди. Шундай қилиш мумкинми?»

Н.Вишневская: – Умумий мулкни асрашга бадаллар ширкат аъзоларининг умумий йиғилишида кўпчилик овоз билан белгиланади. Агар бадалларни ширкат раиси ширкат аъзоларининг фикрини ҳисобга олмай ошираётган бўлса, бу ҳол Қонуннинг 19 ва 30-моддаларини бузишдир. Бу моддаларда хоналар ҳар бир мулкдорининг умумий мулкни асраш бўйича умумий харажатларни биргаликда кўтаришлари, унда иштирок этиш улуши мулкдорнинг уй умумий майдонидаги квартираси майдонига мутаносиб белгиланиши кўрсатилган. Сиз ширкат умумий йиғилиши ўтказиб, унда ширкат аъзоларига бадаллар оширилиши сабабларини тушунтириб беришни талаб қилишингиз лозим. Уйни сақлашга харажатларнинг кўпайиши даромадлар ва харажатлар сметасида акс эттирилиши керак, сметани Қонунга мувофиқ квартира мулкдорлари тасдиқлайди. Ширкат аъзолари уйга доир қайси ишларни бажариш зарурлигини кўрсатишлари лозим. Уларни бажаришга оид харажатлардан келиб чиқиб, бадаллар миқдори белгиланади. Агар одамлар бадал миқдори ғоятда юқори деб ҳисоблашса, бирор ишни режадан чиқариш ва шу йўл билан харажатларни камайтириш мумкин. Лекин бундай ҳолатда бу ишларни бажаришни талаб қилмаслигингиз лозим. Агар ширкат Қонун асосида ишласа ва барча муҳим қарорлар умумий йиғилишда қабул қилинса, одамлар ширкат ишидан хабардор бўладилар, уларда бундай саволлар ҳам туғилмайди.

Агар ширкат бирдан ортиқ уйни бирлаштирган бўлса, Қонун мулкдорларнинг қарори билан уларнинг ҳар бирини асрашга алоҳида-алоҳида

ёндашиш ва ҳатто ширкат аъзоларига мажбурий бадалларнинг турли миқдорларини белгилаш имкониятини беради. Бундай вариант учун Қонуннинг 23-моддасида ширкатдаги ҳар бир уй квартираларининг эгалари ҳар бир уйдаги умумий мулкни асрашга доир ишларнинг режасини ХУМШ иш режасининг бир қисми сифатида тасдиқлашлари назарда тутилган; ҳар бир уйдаги умумий мулкни асрашга харажатлар ва даромадлар сметаси ширкатнинг даромадлар ва харажатлар сметасининг бир қисми сифатида тасдиқланади, демак ҳар бир уй бўйича бадаллар миқдори ҳам белгиланади, чунки турли уйларда шароит турлича, мулкдорларнинг манфаатлари ҳам турлича, умумий мулкнинг ҳолати ҳам турлича.



«4 йил муқаддам қаровсиз ҳолатда бўлган уйдаги квартирани сотиб олдим. Квартиранинг эшиклари ҳам, дераза ойналари ҳам йўқ эди. Том тешикларидан тўртинчи қаватдан биринчи қаватгача чакка ўтади, иссиқлик йўқ. Ширкат мен билан шартнома тузмади, энди эса ана шу ўтган тўрт йил учун ҳақ тўлашни талаб қилмоқда. Мени қарз тўланмаса ишни судга бериш тўғрисида огоҳлантиришди. Мен нима учун ҳақ тўлашим керак?»

Қ.Магомедов: – Қонунга кўра ширкат аъзолари уйдаги умумий мулкни асраш бўйича мажбурий бадалларни тўлашга мажбур. Ширкат сизни қарздор сифатида судга беришга тўлиқ ҳақлидир. Фақат суд сизни кўрсатилмаган хизматлар учун ҳақ тўлашдан озод қилиши мумкин. Уй тоmidан чакка ўтса ва уйда бошқа муаммолар бўлса, ширкатга ёзма равишда эътирозларингизни билдиришингиз лозим. Агар у эътибор бермаса, ХУМШ хизмат кўрсатмаяпти, лекин пул ёзаяпти, деб далилларни кўрсатиб, уни судга беринг. Ширкат сиздан даъво қилса, сиз унга қарши даъво билан судга ариза беринг, ишнинг судда кўриб чиқилишига тайёрланинг.



Муаммони тинчгина ҳал қилган яхши, албатта. Туман ҳокимининг ХУМШлар фаолияти масалалари билан шуғулланувчи биринчи ўринбосарига муурожаат қилиш мумкин.

Шартномага келсак, Қонунда ширкатдаги муносабатлар низом билан тартибга солиниши белгилаб қўйилган. Лекин баъзи ширкатлар квартира эгалари билан уларнинг ҳуқуқлари ва вазифалари белгилаб қўйилган шартнома бўлгани яхшироқ деб ўйлайди. Лекин такрор айтаман, ушбу ҳолатда муносабатларнинг шартномавий шакли шарт эмас.

БИРИГА КўПРОҚ – БОШҚАСИГА КАМРОҚ



А.Хусаинова, «Мирзороҳмат» ХУМШ раиси:

«Умумий йиғилишда биз тураржой хоналари эгалари учун бир квадрат метр майдонга 70 сўм миқдорида бадал белгиладик, одам яшамайдиган жойларнинг эгалари учун эса – 100 сўмдан. Лекин уйимизда жойлашган омонат касса пул тўлашни ҳеч ҳам хоҳламапти, бу қонуний эмас, дейишмоқда. Уйда бўш турган дўкон бор, унинг эгаси билан ҳам шартнома тузишни хоҳлаймиз, лекин эгасини топа олмаяпмиз. Одам яшамайдиган жойларнинг эгалари учун бадаллар миқдорини қандай белгилаш керак?»

Н.Вишневская: – Қонуннинг 6-моддасида кўп квартиралари уйдаги одам яшамайдиган жой эгасининг умумий мулкка улушбай эгаллик қилиши ва уни асраш, таъмирлаш учун умумий

Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.

харажатларга ҳисса қўшишга мажбуриги назарда тутилади. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 30 майдаги 100-сон қарори* билан ХУМШ билан одам яшамайдиган жой мулкдори ўртасидаги намунавий шартнома тасдиқланган. Агар у шартнома тузишдан бўйин товласа, ширкат Қонуннинг 6-моддасига асосан уни шартнома тузишга мужбур этишни талаб қилиб, судга беришга ҳақлидир.

Агар одам яшамайдиган жой дўкон, дорихона, интернет-кафе ва шу кабиларга мослаштирилган бўлса – уларга кўп одам келади, бу эса уй атрофининг ифлосланишига олиб келади. Уй олдида тўхтаб турадиган машиналар асфальт ётқизилган йўлакларга қўшимча юк бўлади, худуддаги ҳавонинг газланганлигини кўпайтиради, уйда яшовчилар учун ноқулай шароитни вужудга келтиради. Шу сабабли ширкат одам яшамайдиган жой эгаси билан шартнома тузаётганда улар учун бадалларнинг миқдорини асослаб бериши ло-



зим бўлади. Агар одам яшамайдиган жой эгаси рози бўлмаса, у ўз эътирозларини айтиши ва тарафлар ўзаро ке-

лишмагунча шартномага имзо қўймаслиги мумкин. Лекин шартнома тузишнинг мажбурияти Қонунда белгиланган. Одам яшамайдиган жойларнинг эгалари одатда хўжалик юритувчи субъектлар бўлади. Улар катта мажбурий бадалларни тўлашдан ташқари ширкатга ҳомийлик ёрдами кўрсатишга ҳам қодирлар. Бизда бунга мисоллар кўп. Муҳтожларга ёрдам қилиш ҳар доим халқимизнинг анъанаси бўлиб келган.

**МИЛЛИЙ КАПИТАЛ
ТАЪМИРЛАШНИНГ
ХУСУСИЯТЛАРИ**



«Бизнинг уйимиз қурилганига ярим асрдан ошган, унинг техник ҳолати, айниқса томи ачинарли аҳволда.

Давлат капитал таъмирлаш дастурига киритилиши учун унда 30 фоизли улуш билан иштирок этишни таъминлашимиз керак. Лекин бунинг учун неча йил пул тўплашга тўғри келади? Катта ширкатда бўлганимизда у ҳеч қандай таъмирлашни амалга оширмади, одамлар тўлаган пуллар «умумий қозон»да йўқ бўлиб кетди. Катта ширкатдан чиқиш пайтида, ўтган йилнинг июлида эса ҳеч қандай қайта ҳисоб-китоб бўлмади».



Учтепа туманидаги «Нуробод-Ниҳол» ХУМШ аъзоси:

«Квартиралар ичидаги тармоқ туташмалари ким ҳисобидан таъмирланади? Бизни капитал таъмирлаш учун депозит ҳисобвараққа 30 фоизли ажратма қилишга мажбур этишмоқда. Лекин бир уйли ширкатда бу оғир иш. Бу ажратмаларни қилмаслик мумкинми?»

Қ.Магомедов: – Сиз катта ширкатдан чиқаётганингизда капитал таъмирлаш учун уйингиздаги квартира эгалари депозит ҳисобвараққа ўтказган бадалларни қисман бўлсада компенсация қилишига эришиш лозим эди. Бунга кўнмаса судга даъво билан мурожаат

қилиш керак эди. Чунки янги тузилган ширкат ишни янгидан бошлайди, олдинги ширкат бирор жиддий иш қилмаган бўлса, дастлаб қийин бўлади. Уй-жой мулкдорлари ширкатларини давлат рўйхатиغا олиш тартиби ва ҳисобга қўйиш тўғрисида низомда** бир ёки бир неча уй катта ширкатдан уни қайта ташкил этилмай чиққанда янги ширкат ўз аъзоларининг олдинги ширкат олдидаги мажбуриятлари учун жавоб бермайди ва бунда тақсимлаш баланси талаб қилинмайди, дейилган. Лекин бундай ҳолатларда кўпинча ким кимдан қарздор деган баҳсли савол пайдо бўлади. Низомда бундай ҳолларда низоли масалалар судда ҳал қилиниши кўрсатилган, лекин бундай ҳолларда иккала тараф ҳам уйда ишлар бажарилганини, одамлар нима сабабдан пул тўламаганини исботлаши лозим. Янги тузилган кўп ширкатлар ўзи ажралиб чиққан ширкат билан бажарилган ишларни текшириб, далолатнома тузади.

Республикада 1991 йилгача қурилган кўп хонадонли тураржой биноларининг умумфойдаланадиган жойлари ва муҳандислик коммуникацияларини капитал таъмирлаш дастури амалга оширилмоқда. Дастурни амалга ошириш Президентнинг 2006 йил 25 июлдаги ПҚ-425-сон қарори*** билан 2011 йилга қадар узайтирилди. Сиз ҳокимликка мурожаат қилишингиз керак. Ҳокимлик бош буюртмачи билан дастурга кирган уйлар рўйхатини тузади, вазиятни тушунтиради ва биргаликда уйингизни капитал таъмирлаш дастурига қандай қилиб киритиш ечимини топади. Давлат уйлар вайрон бўлмаслиги, яхши ҳолатда бўлиши учун ташвишланади.

1991 йилгача қурилган уй-жойларнинг ички муҳандислик коммуникациялари ва умумий фойдаланиш жойларини мукамал таъмирлаш ишларини маблағ билан таъминлаш тартиби тўғрисида низомнинг**** 2-параграфи ҳамда Президентнинг 2006 йил 25 июлдаги ПҚ-425-сон қарори 2, 3-бандларига кўра давлат дастурига кирган уйларни капитал таъмирлаш икки манба: бюджет ва нобюджет манбалардан молиялаштирилади. Нобюджет қисми – ширкат депозит ҳисобварақларда тўплайдиган маблағлар бўлиб, улар капитал таъмирлаш смета қийматининг 30 фоизини ташкил этиши керак. Бу фақат ширкат аъзоларининг мажбурий бадалларигина эмас, балки ҳомийлар маблағи, тураржой ва одам яшамайдиган жойлар мулкдорлари, ижарачиларининг ихтиёрий бадаллари, ширкат ер участкасидаги гаражлар, бошқа иморатлар эгаларидан тушган пул-

* Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 30 майдаги «Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг намунавий уставини ҳамда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати билан кўп хонадонли уйдаги одам яшамайдиган жой мулкдори ўртасидаги намунавий шартномани тасдиқлаш тўғрисида» 100-сон қарори.

** Уй-жой мулкдорлари ширкатларини давлат рўйхатиغا олиш тартиби ва ҳисобга қўйиш тўғрисида низом (Президентнинг 2005 йил 10 февралдаги «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-3-сон қарорига 3-илова).

*** Президентнинг 2006 йил 25 июлдаги «1991 йилгача қурилган кўп хонадонли турар жой биноларининг умумфойдаланадиган жойлари ва муҳандислик коммуникациялари капитал таъмирланишини яқунлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-425-сон қарори.

**** 1991 йилгача қурилган уй-жойларнинг ички муҳандислик коммуникациялари ва умумий фойдаланиш жойларини мукамал таъмирлаш ишларини маблағ билан таъминлаш тартиби тўғрисида низом. МВ, МБ бошқаруви, ДСҚ, Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 14 сентябрда 1408-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.

Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.

◀ беришди. Бунда муайян ҳароратдаги сув ёки муайян босимдаги буғ келиб тушадиган иссиқлик пункти (шоҳобчаси) ширкат сантехниги хизмат кўрсата олмайдиган анча мураккаб қурилма эканлигидан келиб чиқилди. Бу ерда албатта иссиқлик шоҳобчаларида таъмирлаш ишларини ўтказишга лицензияси ёки ишлашга рухсати бўлган малакали, билимдон мутахассислар ишлаши керак.

Аввалги ҳужжатларда иссиқлик билан таъминловчи ташкилотнинг жавобгарлиги бинонинг цоколигача (пастки қисмигача) татбиқ этилади деб қайд этилган эди. Бироқ иссиқлик пункти цоколгача ҳам, ундан кейин ҳам жойлаштирилиши мумкин. Биринчи ҳолда шоҳобча етказиб берувчининг балансида бўлган ва ҳеч қандай савол юзага келмаган. Агар у бино ичида жойлашган бўлса, иссиқлик билан таъминловчилар уни ХУМШ мулки деб ҳисоблашган. Кўрамизки, мураккаб тизим бир ҳолда бир қўлда, бошқа ҳолда эса ўзгалар қўлида бўлган. Уларни ҳақи етказиб берувчиларга тўлиқ тўланган коммунал хизматнинг сифати, ўлчамлари ва тўлиқ ҳажми тўғрисида ғамхўрлик қилишга, уни ишлаб чиқариш, сақлаб туриш, таъмирлаш, иссиқлик шоҳобчасига хизмат кўрсатишга мажбур қилганлар дейиш мумкин.

Нима учун иссиқлик пункти шоҳобча деб аталади? Чунки унда коммунал хизмат сифати боғлиқ бўлган барча нарсалар: зулфинлар, сув ўлчагичлар ва ҳоказолар тугундагидек боғлиқ бўлади. Ширкатларда унга хизмат кўрсата оладиган малакали мутахассислар йўқ.

– ХУМШ иссиқлик шоҳобчаларини ўз зиммасига олишни хоҳламаслигининг яна бир сабаби шундаки, бунда уларга хизмат кўрсатиш учун қўшимча харажатлар қилинади. Бироқ ҳужжатни келишиб олиш ва тасдиқлашда айна ушбу жиҳатга эътибор берилмаган, – деб қайд этади Васильева. – Иссиқлик пунктини иссиқлик билан таъминловчилар жавобгарлигига бераётганда асосий далил-исбот уни ишлатиш хусусиятлари бўлдики, у билан фақат мутахассислар шуғулланишлари керак. Иссиқлик билан таъминлаш – энг мураккаб, сермехнат ва қиммат турадиган коммунал хизматлардан биридир.

Ҳужжатда белгиланишича, кўп квартирали уйларда муҳандислик тизимларини сақлаш учун жавобгарлик чегаралари бириктирилган тармоқлар орқали коммунал хизматларни кўрсатувчилар билан ХУМШ ўртасида мул-

кчилик ёки эгалик ҳуқуқи асосида қонунчиликка мувофиқ белгиланади. Етказиб берувчи муҳандислик тизимларига, шу жумладан муниципал мулк ҳисобланган магистрал тармоқларга, хўжалик юритиш ёки тезкор бошқариш ҳуқуқи асосида эгалик қилади. Жойлашуви бўйича уйларнинг ташқарисидаги ёки ичкарисидаги ва биттадан ортиқ хонадонга хизмат кўрсатаётган уйларнинг ички муҳандислик тармоқлари ва коммуникациялари, механик, электр, санитар-техник ва бошқа жиҳоз ва қурилмалари турар жой ва одам яшамайдиган жойларнинг мулкдорларига умумий мулкчилик ҳуқуқи асосида тегишлидир. Ширкат тимсолида улар белгиланган қоидалар ва ХУМШ аъзолари умумий йиғилишининг қарорларига мувофиқ, уларнинг мажбурий бадаллари ҳисобидан уйнинг умумий тизимларига хизмат кўрсатишнинг лозим даражадаги сифатини таъминлаш учун жавобгар бўладилар.

Етказиб берувчи иссиқлик ва иссиқ сувни белгиланган параметрларда истеъмолчига, яъни ҳар биримизга етказиш учун жавобгардир. Бироқ агар ширкат уй ичидаги тармоқларга қўл учида хизмат кўрсатса, иссиқлик ёки иссиқ сув истеъмолчига умуман етиб бормаслиги ёки нотўлиқ равишда, паст сифатда етиб бориши мумкин. Шу сабабли Низомнинг 6-бандида белгиланишича, етказиб берувчи уйларнинг умумий муҳандислик тизимлари техник ҳолати ус-тидан техник назоратни кўздан кечириш йўли билан амалга ошириши шарт.

Совуқ сув таъминоти тизимида жавобгарликнинг бўлиниш чегараси бўлиб, кириш шоҳобчасининг чиқиш зулфини ва ёнғинга қарши зулфинлар ҳисобланади. Улар умумий уй тизимининг бир қисмидир. Етказиб берувчига тегишли бўлган сув қайтариш (канализация) тизимида бўлиниш чегараси уйнинг умумий муҳандислик тизимидан уйдан биринчи канализация қудуғига чиқариш чиқиши ҳисобланади. Электр етказиб берувчига тегишли бўлган электр таъминоти тизимининг бўлиниш чегараси бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: кабель киритилган ҳолда, кўп квартирали уйнинг кириш-тақсимлаш қурилмасига кираётган тўйинтираётган кабель пойнаклари; ҳаволи тармоқланиш ҳолларида, бино ёки қувур тиргагичида ўрнатилган биринчи ажратгичлар.

Газетхонлар почтасидан

БИЗГА БАДАЛ БЕЛГИЛАШДИ...

Мен нотариал идора жойлашган, яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдориман. Ширкат умумий мулкни сақлашга бизга жуда катта ойлик бадал белгилади, унинг миқдори ХУМШ аъзоларининг бадалидан бир неча марта кўп. Лекин биз билан шартнома тузилмаган. Қонунда яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорларининг умумий мулкни асрашга бадал тўловлари қандай тартибга солинади? Бир квадрат метр учун тариф уй-жой ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорлари учун бир хилми?

Ю.Ирматова,
Тошкент шаҳри.

Газетхонимизнинг саволларига «Kelajak shahri rivoji» консалтинг марказининг директори Гавҳар АЛИЕВА жавоб беради:

Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.

– «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонун (бундан кейин – Қонун) қабул қилингунга қадар кўп квартирали уйдаги умумий мулкнинг эгаси бўлиб фақат уй-жой мулкдорлари ҳисобланарди. Ширкат яшаш учун мўлжалланмаган жойларнинг мулкдорлари учун умумий мулкни асрашга бадалларнинг миқдорини ўз ихтиёрича белгилар эди.

Қонун қабул қилингач кўп квартирали уйда умумий мулкдаги улушга эгаллик қилиш ҳуқуқи яшаш учун мўлжалланмаган жойларнинг мулкдорларига ҳам берилди. Хусусан, Қонуннинг 6-моддасида кўп квартирали уйдаги яшаш учун мўлжалланмаган жойларнинг мулкдорлари умумий мол-мулкка нисбатан улушли мулк иштирокчиси бўлиб, уни сақлаш бўйича умумий харажатларни тўлашга мажбурлиги айтилган.

Мулкдорларнинг умумий мол-мулкка нисбатан мажбуриятлари уларнинг умумий улушли мулкка ҳуқуқдаги улуши билан белгиланади. Яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдорининг умумий харажатлардаги улуши уй-жой мулкдорларининг иштироки улуши каби: уйнинг умумий майдонидаги мулкдорга қарашли яшаш учун мўлжалланмаган жой (уй-жой) майдонида мутаносиб равишда белгиланади (6, 30-моддалар). Бу эса Қонунда кўп қаватли уйдаги бир квадрат метр умумий майдон учун уй-жой мулкдорлари учун ҳам, яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорлари учун ҳам мажбурий бадаллар миқдорини ҳисоблаш қоидаси бир хиллигини билдиради. Умумий харажатларга мажбурий ойлик бадал миқдори ҳар йили мулкдорларнинг умумий йиғилишида тасдиқланадиган ишлар режаси ҳамда ширкат даромадлари ва харажатларининг йиллик сметасига асосан ҳисобланади.

Ширкатнинг кўп квартирали уйдаги яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдори билан муносабатлари улар ўртасида мажбурий тарзда тузиладиган шартнома билан тартибга солинади (6-модда).

Уй-жой кодексига (бундан кейин – УЖК) яқинда қабул қилинган тузатишлар мазкур меъёрларни кучайтирди. Хусусан, УЖК 125-моддаси кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулкка нисбатан улушли мулк ҳар бир иштирокчисининг улуши шу уйнинг умумий майдонидаги унга қарашли жой майдони улушига мос бўлишини белгилайди. Уй-жой ёки яшаш учун мўлжалланмаган жойга эгаллик қилиш ҳуқуқи умумий

мол-мулкка улушли эгаллик қилиш ҳуқуқидан ажралмасдир.

УЖКнинг 126-моддасида белгиланишича, кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулкка нисбатан улушли мулк иштирокчиси уни сақлаш, шунингдек шу уйга туташ, ободонлаштириш элементлари бўлган ер участкасини сақлаш бўйича умумий харажатларни уйнинг умумий майдонидаги ўзига қарашли жой майдонида мутаносиб равишда ўз зиммасига олади. УЖК 132-моддасига мувофиқ кўп квартирали уйдаги турар жойларнинг мулкдорлари умумий харажатларни одатда мажбурий бадаллар шаклида амалга оширадидлар, улар умумий мол-мулкни бошқариш, уларга хизмат кўрсатиш, жорий ва капитал таъмирлаш ҳамда унга туташ, ободонлаштириш элементлари бўлган ер участкасини сақлаш харажатларини қоплаши керак.

Яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорларининг уйдаги умумий мол-мулкни сақлашга доир умумий харажатларда иштирок этиш мажбурияти Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 30 майдаги 100-сон қарори билан тасдиқланган. ХУМШнинг намунавий уставида (4.6-банд) ҳамда ХУМШ билан кўп квартирали уйдаги яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдори ўртасидаги намунавий шартномада қайд этилган.

Буларнинг ҳаммаси яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорларининг уйни сақлашга доир иштирокининг умумий ҳолларига тааллуқлидир. Лекин қонунларда бошқа ҳоллар ҳам назарда тутилган. Гап шундаки, кўп квартирали уйдаги тураржойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган жойларнинг мулкдорлари умумий мол-мулкдан ва унга туташ ободонлаштириш элементлари билан бирга ер участкасидан фойдаланишда тенг ҳуқуққа эгадирлар. (УЖК 124-моддаси). Лекин амалиётда шундай вазиятлар бўладики, умумий мол-мулк ёки ер участкасининг бир қисмидан фақат мулкдорлардан бири фойдаланади. Бундай ҳолларда ширкат ўз аъзоларининг умумий йиғилиши қарори билан бундай фойдаланишга қўшимча ҳақ белгилаши мумкин.

Бу ўринда сўз яшаш учун мўлжалланмаган жойларнинг мулкдорлари ўз квартирасидан дўкон, дорихона, сартарошхона, интернет-кафе сифатида фойдаланиб, уй олдидаги ернинг бир қисмини ёки кириш жойи, ертўла, томининг бир қисмини ўраб олиб, ундан фақат ўз мақсадида фойдаланиши

тўғрисида бормоқда. Бундай ҳолда бошқа мулкдорлар ўраб олинган жойлардан фойдалана олмайдилар, бундан ташқари интернет-кафе, дўконлар, дорихоналарга келувчилар уйда яшовчилар учун ноқулайлик туғдиришлари: худудни ифлос қилишлари, турар жойлар, мулкдорларининг ишини кўпайтириши мумкин. Яшаш учун мўлжалланмаган жойларнинг мулкдорлари учун ХУМШ аъзоларининг умумий йиғилиши бадалларнинг юқори миқдорини белгилаб, улар учун тарифларни нима учун оширганини асослаб бериши керак.

Бу талаб ХУМШ намунавий уставида (4.8-банд) ҳамда ХУМШ билан яшаш учун мўлжалланмаган жойларнинг мулкдорлари ўртасидаги намунавий шартномада (2.3-банд) акс этган. Унда айтилишича, яшаш учун мўлжалланмаган жойларнинг эгалари ХУМШ умумий мол-мулкнинг ва (ёки) ер участкасининг айрим қисмларини фақат умумий йиғилишнинг қарори билан белгилаган тартибда ва шартларга мувофиқ олишлари мумкин.

Бадаллар миқдори ва унинг тузилиши хусусида саволлар пайдо бўлмаслиги учун ХУМШ билан тузилган намунали шартномада назарда тутилишича, ширкат яшаш учун мўлжалланмаган жойнинг эгасига умумий мол-мулкни сақлашга доир қарор қабул қилишда ва уларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботни муҳокама қилишда иштирок этишга имкон беришга; **умумий харажатлар миқдорини** ва ҳар ойда ва маълум мақсад учун тўланадиган бадаллар миқдорини асослаб беришга мажбурдир (шартноманинг 2.2-банди).

Яшаш учун мўлжалланмаган жойларнинг мулкдорлари ХУМШ аъзоларининг умумий йиғилиши тасдиқлаган харажатлар сметасига мувофиқ умумий харажатларга ойлик мажбурий ва аниқ мақсадга мўлжалланган бадалларни, шунингдек умумий мол-мулк ва (ёки) ер участкасининг ўзи фойдаланиши учун ажратилган айрим қисмлари умумий йиғилиш белгилаган ҳақни ўз вақтида тўлашга мажбурлигини эслатиб ўтиш ортиқча бўлмайди. Улар умумий мол-мулкдан, ер участкасидан, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш элементларидан бевосита мўлжалланган мақсадларда фойдаланишлари ҳамда бошқа мулкдорларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини бузмасликлари, ўзларининг айби билан бошқа квартира эгаларининг умумий мулкига етказган зиённи ўз ҳисобидан бартараф этишлари лозим (шартноманинг 2.2-банди).

Мавзуйий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.

ҲАЁТ ЯХШИРОҚ БЎЛАДИ, ҲАЁТ ҚУВОНЧЛИРОҚ БЎЛАДИ

Москвадаги “Солнечный берег” УМШ аъзоларининг дастлабки умумий йиғилишлари 5-6 соат давом этди. Бу ялпи бақриқ эди, одамлар дардларини айтишарди, ҳеч кимга қулоқ солишмай, ўзларини ташвишга солаётган муаммоларни ҳал қилиш йўлларини топишга ҳаракат қилишмасди. Ҳозир эса улар бир йилда икки марта йиғилишади, шунда ҳам йиғилиш узоғи билан бир ярим соат давом этади, барча масалалар тез ҳал қилинади. Ширкат аъзоларининг гала-говур бозорга айланган умумий йиғилишларини бошқарув одамлар ўртасида мунтазам ўтказадиган сўров ёрдамида тўхтатишга эришилди: муаммо пайдо бўлса, одамлар ёзма ариза беришади. Шу сабабли йиғилиш ўтказиладиган пайтда муаммо амалий тартибда ҳал қилинган бўлади ёки раис аниқ саволга аниқ жавоб беришга тайёр бўлади.

Ҳозир УМШ билан хизмат кўрсатувчи 19 корхона ишламоқда. Бундан ташқари, ширкат адвокатлар идораси билан шартнома тузган, унинг юристлари ҳамма ҳуқуқий низоларни ҳал қиладилар, зарур бўлса, судда ширкат манфаатларини ҳимоя қиладилар. Улар энергия ва иссиқлик етказиб берувчиларга, шунингдек квартира ҳақидан қарздорларга даъволарни ширкат фойдасига ҳал қилдилар. Бу ерда қарздорларни судга беришни ҳақ тўламайдиганларга қарши курашнинг энг самарали усули деб ҳисоблашади. Уйга кириш жойларига квартира ҳақини тўлашни орқага сураётганлар рўйхати илиб кўйилади, одамлар бу рўйхатга тушишни ододан эмас, деб билдилар. Уйларга кириш жойларига ширкат видеокамералар ўрнатган, бу эса одамлар ҳаётининг хавфсизлигини оширди.

Уйдаги мавжуд одам яшамайдиган жойларни ижарага бериш ва уларнинг мулкдорлари билан шартномалар тузиш

ширкат аъзолари зиммасидаги молиявий юкни енгиллаштиради. Ширкат аъзолари - ўзига тўқ, билимли, ўз уйининг обрўсини сақлайдиган одамлар. Лекин УМШ раиси фаровон турмуш фақат бадавлат одамларга хос, деб ҳисобламайди. Турмушни йўлга қўйиш қийин вазифа, лекин жонкуяр ҳамда фаол одамлар уни уддалай оладилар. Энг муҳими - ўз ҳуқуқларини ўрганишдан эринмаслик, сўнгра эса уни жумладан судда ҳам ҳимоя қилишдан қўрқмасликдир.

Раис тўғрисида гапирсак, одам раис бўлиб туғилмайди, лекин раис бўлиб етишиш мумкин. Шаҳар маъмурлари бу лавозимда махсус тайёргарлик кўрган, билимдон одамлар ишлашига кўмаклашмоғи лозим. Ўз уйида тартиб ўрнатишга ҳаракат қилаётган одамлар аввалги бошқарув усулида қилинган хатолар такрорланмаслиги учун, уларни махсус курсларда ўқитилиши лозим. Ана шунда УМШларда ҳақиқий тартиб бўлади, одамлар ҳам яхшироқ яшайдиган бўладилар.

Интернет материалларидан.

РОССИЯЧА ЎЗ-ЎЗИНИ БОШҚАРИШ

Бир йилдан ортиқ муқаддам кучга киритилган Россия уй-жой кодекси кўп квартиралар уйлардаги хоналарнинг эгаларига уйларни мустақил, шу жумладан бошқарувчи компанияни танлаш йўли билан бошқариш имконини берди. 2007 йил 1 январга қадар бошқарувчи компанияни танлаш лозим эди, шундан сўнг эса маҳаллий маъмурият бошқарувчи компанияни ўтказилган танлов асосида ўзи тайинлайди.

Олдин Уй-жой кодекси учта йўлдан бирини - мулкдорларнинг умумий йиғилиши орқали уй-жой эгаларининг бевосита бошқаришини, сайланган бошқарувчи компания (БК) воситасида ёки уй-жой мулкдорлари ширкатлари (УМШ) орқали бошқаришни таклиф қилди.

